

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

“УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА” КАФЕДРАСИ

**“Ёшларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий
кадриятлардан фойдаланиш усуллари” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: “Бошланғич таълим ва
спорт тарбиявий иш” таълим
йўналиши битирувчи 4 курс
талабаси Нормуродова Ш.

ИЛМИЙ РАЎБАР:

ўқитувчи Ачилов Н..

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.

_____ сонли баённомаси “ _____ ” _____ 2014 йил

ТЕРМИЗ – 2014

ЁШЛАРДА ЭКОЛОГИК БИЛИМ ВА ТУШУНЧАНИ ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

Режа:

Кириш

I.Боб. Таълим тизимида экологик тарбияни шакллантиришнинг илмий асоси.

I.1. Экологик билим ва тушунчаларнинг мазмуни.

I.2. Бошланғич синфларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати.

II.Боб. Бошланғич синфлар таълим жараёнида экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг шакл ва усуллари.

II.1. Бошланғич синфларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш воситалари.

II.2. 4-синф табиатшунослик дарсларида экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш усуллари.

Умумий хулоса ва тавсиялар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда табиатни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик масалалари жаҳон ҳамжамиятининг умумий глобал муаммосига айланди. Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш баробарида, фуқароларга экологик барқарор ҳаёт шароитини яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Кўзланган мақсадга эришиш йўлида экологик тарбиянинг жамият маънавий ҳаёти билан алоқадорлиги масалалари, хусусан, ёшларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланиш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда. Экологик тарбия инсон ва табиат муносабатларини ҳаётий тимсолларда акс эттириш орқали ёшларнинг экоманавий-маданий савияси даражаси ҳамда дунёқарашини ифодалаш билан бирга, инсон шахсини тарбиялаш вазифасини ҳам бажаради. Зеро, ҳар бир ёш нафақат етук ва баркамол бўлиши, шу билан бирга атроф муҳитга одилон муносабатда бўлиб, табиат қонун-қоидаларини ўз ички кечинмаларидек қабул қилса, яъни табиат билан ҳамоҳанг, уйғунлашган ҳолда фаолият олиб борсагина у том маънода юксак маънавият ва маданиятга эриша олади.

Жаҳон миқёсида ёшлар тарбиясига эътибор қадим-қадимдан бошланади. Унинг намоёндалари қадимги грек олимлари Архимед, Аристотель, Суқрот, Платонлар ёшлар томонидан билимларини ихтиёрий, фаол ўзлаштирилиши аҳамиятини чуқур ва ҳар томонлама асослаб берганлар. Айниқса, Марказий Осиёда ёшлар тарбияси, атроф муҳит, табиий шароитлар, уларнинг ўзгариши, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатнинг мавжуд ҳолати, табиатнинг инсоннинг маънавий жиҳатдан шаклланишига кўрсатаётган таъсири масалалари қадимги таълимотлар ва мутафаккирларнинг қарашларида акс этгандир. Масалан, Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто” да ер, тупроқ, дарёлар, кўллар боғлар, тоғлар, ўсимлигу-гиёҳлар мадҳ этилган. Она заминни улуғлаш, сувни ҳаёт манбаи деб қадрлаш, қуёш, олов ва ҳавони эъзозлаш-

булар “Авесто”даги марказий масалалардан бўлиб ҳисобланади. Зардўштийлик таълимотига кўра, ҳар бир киши руҳан ва хулқан комиллиги унинг яхшиликка юз тутиб, рост йўлни танлаб, дунёвий билимларни ўрганиб, ўз касбини эъзозлаган ҳолда Ахурамазда фарзларини нечоғлик адо этиши билан белгиланади. Зеро, қўш хайдаб, дон эккан, чорвани парваришлаб, чўлда боғ яратган, ернинг захини қочириб, шўрини ювиб, зироат эккан зардўштийнинг равони пок, хулқи хуш, амали чин бўлиши билан кўрсатилган. Зардўштийлик таълимоти бўйича, сув ва ҳавони ифлос қилиш, сувга нопок нарсаларни ташлаш қатъиян ман этилган. Анҳор ва ариқ бўйларида мол боқиш, отларни боғлашга руҳсат берилмаган. Сувга тупуриш, супургида сувга ахлат супуриш, тоза қилиб ювилмаган идишларда ариқ ва ҳовузлардан сув олиш, нопок ҳолда сувга қараш аждодларимиз диний эътиқодлари бўйича одоб-ахлоққа хилоф тарзда баҳоланган.

Табиат муҳофазаси масаласи зардўштийлик динидан бошлаб бошқа барча динлар каби Ислом дини томонидан ҳам қадрлаб келинган. Ислом таълимотида ҳайвонот ва набобот оламига катта эътибор берилган. Қуръон оятларидан бирида набобот олами бандалар учун ризқдир, ундан эса ўз ризқларини асраб-авайлаш ҳамда шукр келтириш лозимдир, дейилган. Табиатни эъзозлаш, атроф муҳитни мусаффо, кураии-заминни обод ва гўзал қилиш сингари экологик тарбия масалалари муборак ҳадисларда ҳам катта ўрин тутди. Хусусан, “эқмоқ ниятида қўлингизда кўчат турган пайтда, бехосдан қиёмат қоим бўлиб қолиши аниқ бўлганда ҳам, улгурсангиз уни экиб қўяверинг”, “Ҳовли саҳнини тоза тутинглар”, “енглар, ичинглар, кийинглар, садақа қилинглар, аммо исроф қилманглар, мағрурланманглар”, “киши ўз боласига одобдан кўра афзалроқ нарса ато этолмайди”, “кимки дарахт ўтказса ёки экин экса, унинг мевасидан қуш ёки ҳайвонлар еса, унинг ҳар биридан садақа ёзилади”, “кишиларга соя берувчи дарахтни кесган киши боши билан дўзахга ташланади”, “Ҳилол

килинглар (тиш, сокол, панжа ораларига бармоқ тикиш), чунки у покизалиқдир”, “қўлидаги овқат мойларини ювмай ухлаган одамга бирор офат етса, ўзидан кўрсин”, “Жони бор нарсани ўқ отишда нишон қилманглар”,¹ кабилардир.

Табиатни эъзозлаш, заминни улуғлаш ўтмиш даврлардан, мозийдан бошланиб, аждодлардан-авлодларга, асрлардан асрларга ўтиб, бойиб, сайқал топиб ҳозиргача давом этиб келаётган шарқона, ўзбекона хикматлар, тузуклар, таълимотлар, фалсафий қарашлар, миллий қадриятлар, миллий удум ва анъаналарда ўз аксини топган. Буларни ўрганиш орқали ёшлар табиат ва инсон ўртасидаги муносабат, уларнинг ўзаро алоқадорлик ва бирлик моҳиятини, атроф муҳитга муносабатни, табиат муҳофазаси йўлида амалга оширилаётган хатти-ҳаракатларини таҳлил этиб, экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омилларни аниқлашга ҳаракат қилади. Мазкур ҳолат эса ёшларда экологик билим ва тушунчаларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, мавзунинг долзарблигини инобатга олган ҳолда тадқиқот ишимизнинг мавзусини “Ёшларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш усуллари” деб номладик.

Битирув малакавий ишнинг мақсади: Ёшларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг самарали йўллари усул ва шакллари аниқлаш ва уни таълим жараёнига тадбиқ этишдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг объекти: Бошланғич синф ўқувчиларида

¹*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ҳадис.1-4 жилдлар.-Т.:Қомуслар Бош таҳриряти, 1997.*

экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланиш жараёни.

Битирув малакавий ишнинг предмети: Ёшларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланишнинг мазмуни, шакл ва методлари.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари:

- ёшларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланиш усулларининг ўрни ва аҳамиятини тушунтириш;

- ёшларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланиш борасидаги тажрибаларни ўрганиш;

- ёшларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланишнинг самарали усуллари ва шаклларини аниқлаш;

- бошланғич синф ўқувчиларида экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланишга йўналтирилган табиатшунослик дарсларининг самарадорлик даражасини аниқлаш ва ўқувчиларни экологик билим ва тушунчани тарбиялашга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг методлари: ишда қуйидаги методлардан фойдаланилди. Мазкур мавзуга оид фалсафий, социологик, педагогик, психологик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- экологик билим ва тушунчаларга оид педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш. Кузатиш, суҳбат, тест, анкета сўровномалари, тарихийлик, педагогик тажриба ва синов ишлари.

Битирув малакавий ишнинг методологик асослари: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», ёшлар маънавиятини юксалтиришга

қаратилган Давлат дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари; меъёрий ҳужжатлар; Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқ ва маърузалари, асарлари, ўзбек халқ педагогикаси анъаналари, педагогиканинг назарий асослари экологик билим ва тушунчани тарбиялаш усулларига яхлит ёндашиш, мавзуга оид илмий-педагогик, фалсафий, манбалар ташкил қилади.

Битирув малакавий ишнинг илмий фарази.

Ёшларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланишнинг самарадорлиги қуйидаги ҳолатларда юқори бўлиши мумкин, агарда:

- табиатшунослик дарсларида бошланғич синф ўқувчиларини экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланиш аниқ педагогик шарт-шароитлар, муайян таълим мазмун, шакл ва методларига таянган ҳолда шакллантирилса;

- ўқувчиларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашда аجدодларимиз мероси, миллий кадриятлар ва тарихий тажрибалардан унумли фойдаланилса;

- кўргазмали ва кўрсатмали қуроллардан фойдаланишга эришилса;

- табиатшунослик дарсларида бошланғич синф ўқувчиларини экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланишга йўналтирилган педагогик жараён муайян илмий-педагогик тавсияларга таянган ҳолда ташкил этилса.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги:

Бошланғич синф ўқувчиларини экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланишга йўналтирилган табиатшунослик дарсларининг самарадорлик даражаси аниқланди ва ўқувчиларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашга йўналтирилган амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишнингнинг илмий аҳамияти: Бошланғич синф ўқувчиларини экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланшга йўналтирилган амалий ёндошувлар, илмий-методик тавсиялар билан бойитилди.

Битирув малакавий ишнингнинг амалий аҳамияти: бошланғич синф ўқитувчиларига Битирув малакавий ишнинг натижасида кенг қамровли дидактик материаллар, тавсиялар тақдим қилинди. Бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларни экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишга оид билимлари ва педагогик маҳоратларини оширишда ушбу битирув малакавий иш материалларидан кенг фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши: кириш, 2 боб, 4 параграф, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат.

I.Боб. Таълим тизимида экологик тарбияни шакллантиришнинг илмий асоси.

I.1. Экологик билим ва тушунчаларнинг мазмуни.

Экология (юнонча оикос - уй, турар жой ва логос - таълимот)-организмдан ҳар хил даражада юқори турадиган системалар: популятсиялар; биосенотлар; биогеосенотлар (екотизимлар) ва биосферанинг тузилиши, уларда кечадиган жараёнларни ўрганадиган биологик фанлар мажмуи. Экологияни организмлар ва улар атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганадиган фан сифатида ҳам талқин қилинади.

Экология - юнонча сўз бўлиб, тирик мавжудотларнинг яшаш шароити ва теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳамда шу асосда юзага келадиган қонуниятларни ўрганадиган фандир. Экология термини 1866-йилда немис олими Э. Геккел томонидан фанга киритилди. Олим тирик организмларнинг атроф-муҳит билан муносабатларини белгилаш учун шу атамани таклиф этди. Экологиянинг фан сифатида юзага чиқиши XVIII-XIX асрларни қамраб олади. XX асрнинг бошларида тадқиқотчи - олимлар томонидан айрим омиллар, айниқса, иқлимнинг киши организмига таъсирини ўрганиш натижасида бу фанга бўлган эътибор янада кучайди.

Бугунги кунда экология муаммолари умумжаҳон (умуминсоният, умумбашарият) муаммосига айланган. Шу сабабли, бу масала ечимига бир, икки давлат эмас, балки ўз атрофимиздаги олам мувозанатини ўйлаётган кўпгина давлатлар эътибор бермоқда. Жумладан, бу муаммо ечими республикамизда ҳам давлат сиёсати даражасигача кўтарилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида: “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”¹ -деб таъкидланади.

¹ *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 1992 йил.*

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг 1992-йил 9-декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993-йил 23-апрелдаги «Соғлом авлод учун» Халқаро нодавлат хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, ўша йили «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, шу номда Давлат дастури, «Экологик таълим-тарбия концепсияси»нинг ишлаб чиқилиши, «Экосан» жамғармасининг тузилиши мамлакатда экологик муаммоларни бартараф этишга давлатимиз ҳукуматининг ғамхўрлигидан далолатдир.

Қадимда ҳам экологик муаммоларни хал қилишга уринишлар бўлган. Айниқса, «Авесто»да, Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифларда ҳам ушбу муаммоларга эътибор бериб келинган. Экологик тарбияга эътибор юртимизда оиладан, боғча ва яслилардан оқ бошлаб юборилган. Ҳозирги пайтда умумтаълим мактабларида ҳам экологик йўналишдаги синфларнинг ташкил этилиши ва шулар асосида лицей ва мактабларда таълим-тарбия ишларининг олиб борилиши - ёшларга мактаб партасиданоқ табиатга муҳаббат руҳида тарбия беришга астойдил киришилганлигидан далолатдир.

Экологик таълим-тарбия - экологик билимларни бериш, уларда ташқи муҳит ва вужуд орасидаги узвий боғлиқлик мавжудлигини ҳис эттириш, табиий ва ижтимоий муҳитга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш кўникмаларини ҳосил қилдириш.

Ёшларда экологик таълим-тарбия беришда уларга тегишли тушунча ва атамаларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдириш ушбу соҳадаги ишимиз самарадорлигини оширишга ижобий таъсир этади.

1. Экологик жой – экомуҳит - табиатда тур яшаши мумкин бўлган барча муҳит омиллари мажмуи.

2. Экологик кризис - экологик танглик - экологик тизимлар, алоҳида ҳудудлар ёки биосфера миқёсидаги табиий офатлар: тошқин; ер силқиниши;

вулқон отилиши; курғоқчилик; довул; чигирткалар офати; ёнғин ва бошқа ҳолатлар оқибатида юз берадиган экологик вазият.

3. Экологик мувозанат - инсон, ўсимлик ва ҳайвонлар учун зарур бўлган табиий шароитлар мувозанати.

4. Экологик омиллар - атроф-муҳитнинг организмлар фаолиятига ўзига хос таъсир этувчи маълум шароитлар ва элементлар мажмуи.

5. Экологик маданият - касбий фаолиятда қарор қабул қилиш учун экологик жавобгарликни ҳис қилиш табиат муҳофазаси соҳасидаги билимларга эгаллиги жаҳон ва ҳудудий даражада экологик муаммоларни очишда қатнашишга тайёргарлик ва бошқалар.

6. Экологик танглик ҳавфи - XX аср давомида техниканинг ривожини, халқ хўжалигини ва кундалик турмушни кимёлаштириш, ер юзида аҳоли сонининг кескин кўпайиши оқибатида табиат билан инсон ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, ер, сув, ҳавонинг инсон ҳаётига зарарли даражада ифлосланиши натижасида пайдо бўлган ҳолат.

Жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг табиатга таъсир этиш даражаси ҳам шунчалик кўп бўлар экан. Аҳоли сонининг тез ўсиб бориши натижасида экологик муаммолар кўпайиб бормоқда. Айниқса, ер, сув, энергетика, озик-овқат билан таъминлаш ҳақидаги муаммолар бутун дунё (глобал) муаммоларга айланиб бормоқда. Ер бағридан ҳар йили 120 млрд тоннадан ортиқ турли хилдаги хомашё, қурилиш материаллари, ёқилғини қазиб олиниши ва сарф қилиниши табиий бойликлар миқдорининг камайиб боришига сабаб бўлмоқда. Кўпгина зарарли корхоналар, заводларнинг оқар сувга яқин жойлашганлиги сабабли сув ҳавзаларини тоза сақлаш муаммо бўлиб бораётир. Марказий Осиёда яшаётган фуқароларнинг саломатлиги ёмонлашиб, касалликлар кўпаймоқда. Ер қуррасида инсоннинг яшаб қолиш-қолмаслиги масаласи энди экологик муаммоларни ечишга боғлиқ бўлиб қолади.

Экологик таълим-тарбия педагогика соҳасида муҳим йўналиш ҳисобланади. Экологик таълим - ўқувчи-ёшларга табиат ва инсон орасидаги муносабатларни ифодаловчи билимлар тизимини бериш жараёнидаги ўқитишдан иборат. Экологик тарбия - ўқувчи -ёшларнинг атрофимиздаги оламга, атроф-муҳитга нисбатан онгли муносабатини тарбиялашдан иборат.

Демак, бундан экологик таълим-тарбиянинг мазмун-моҳиятини қуйидагича ифодалаш мумкин, яъни умумий таълим-тарбиянинг асосий ва таркибий қисмларидан бири бўлиб, унинг ёрдамида ўқувчи - ёшларда атроф-муҳит ва унинг муаммолари ечимларига нисбатан онгли муносабатни шакллантириш ҳамда уларни келажакда экологик тарбияни олиб боришга оид билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришдир.

Экологик тарбиянинг бош мақсади эса ўқувчи-ёшларда атроф-муҳит ва унинг муаммолари ҳақида онгли муносабатни ҳамда улар бўйича оптимал ечимлар топиш тўғрисидаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун бир қатор вазифаларни ҳал қилишга тўғри келади.

1. Ўқувчи -ёшларимизга экологик тарбия беришда уларнинг яшаб турган жойи (табиати) ва бойликларини тежаб-тергашга, уларни онгли равишда муҳофаза қилишга ўргатиш.

2. Экологик маданиятни шакллантириш. Бу, энг аввало, оиладан бошланмоғи лозим.

Ўқувчи-ёшлардаги экологик маданиятни шакллантиришда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор берилиб борилмоғи лозим:

- атрофни ифлослантириш кишиларга касалликларини олиб келувчи манба бўлишлигига;
- ёнғин оқибатларининг табиатга зарари ва ёнғин чиқмаслик чоратадбирларини кўра билишликка ўргатиш;

- «сувга туфлама, уни ифлос қилма», деган даъватнинг мазмун-моҳиятини билишликка;
- гуллаб турган мевали дарахтнинг шохини синдирмаслик, унинг мевасидан инсоният фойдаланишлиги ҳаётӣ эҳтиёж эканлиги ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга ва шу кабиларга.

3. Экологик саводхонликни шакллантириш. Бунга ўқувчи-ёшларга таълим-тарбия беришда ҳаётӣ мисоллардан фойдаланган маъқул.

- дам олишга чиқилганда ўт-ўланларнинг пайхон қилиниши ва бу жойларда шиша синиқларининг қолиши жамият, табиат ва кишилар сало- матлигига таъсири оқибатлари ҳақида ўқувчи -ёшлар онгида тасаввурларни шакллантириш;
- дарахтлар, ўсимликлар оламига ва ҳайвонларга нисбатан муроса- сизлик билан муносабатда бўлиш оқибатларининг табиат ва жамиятга зарарли таъсирини ўқувчи -ёшлар онгига сингдириш;
- завод ва фабрикалардаги зарарли чиқиндиларнинг инсоният тарақ- қиётига таъсирини ва унинг оқибатларини ўқувчи-ёшлар онгига синг- диришнинг ахборот-коммуникатцион технологияларини яратишга эришиш;
- барча фанларни ўқитишда экологик тарбияни олиб бориш;
- синфдан ташқари машғулотларда ва экскурсия ҳамда саёҳатларда экологик тарбияни олиб бориш;
- фанларни ўқитишда ўқувчи-ёшларга экологик муаммоларни ўргатиш орқали уларда табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланишга оид бериладиган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

4. Ўқувчи-ёшларга экология ҳақидаги тушунчалар ва қонуниятлар тўғрисида билим бериш. Бунда меҳнат муҳофазаси, табиатни асраш, ноёб жонзотлар рўйхати, табиат ва атмосферадаги инқирозлар олдини олишга оид тушунчалар ва қонуниятларга эътибор берилади.

Демак, ўқувчи-ёшлар экологик тарбиясидан кўзланган мақсадлардан бири - бир томондан - муқаддас Она заминимизни озода қилиб сақлаш бўлса, иккинчи томондан - мусаффо осмонимизни аслидагидек сақлашдан иборат. Бу она диёримизни обод этишга қўшиладиган катта ҳисса бўлиб, унинг ёрдамида ўқувчи-ёшларда ободончилик ва орасталик, покизалик ва тежамкорлик, хушхулқлик ва хушмуомалалик каби инсоний фазилатлар шаклланади. Булар ўқувчи-ёшларда қуйидаги экологик қонуниятлар ва тушунчаларни онгли равишда англашни кафолатлайди:

- табиат ҳақидаги тушунча, табиий муҳит, табиий омиллар ва улар орасидаги боғланиш;
- табиат бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш;
- атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлаш;
- табиатни келажак авлодлар учун қандай бўлса, ўшандайлигича қолдиришга интилиш ва шу кабилар.

I.2. Бошланғич синфларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати.

Узоқ тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Марказий Осиё халқлари. жумладан, ўзбеклар ҳам жаҳондаги энг қадимий халқлар ҳисобланади ва улар жаҳон илм-фанига, маънавий-маърифий тараққиётига катта ҳисса қўшганлигининг гувоҳи бўламиз. Ота-боболаримизнинг бу борадаги қолдирган бой маънавий мероси миллий меросимизни чуқур, ҳар томонлама ўрганишимизга ва у ҳақда ҳолисона фикр билдиришга ҳамда Ўзбекистон мустақиллигига эришувида буюк маънавий озуқа бўлди ёки ота-боболаримиз қолдирган миллий қадриятларимизни тиклаш ва уларни тарғиб қилишга кенг имкониятлар яратилди.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, экологик тарбияда халқ педагогикасидан фойдаланишга катта эътибор бериб келинмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза этиш, моддий бойликлардан оқилона фойдаланишга оид тарбияни миллий қадриятлар ва анъаналар, шарқона урф-одатлар орқали бериш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Ўқитувчининг болаларга экологик таълим ва тарбия беришда халқимизнинг ўзига хос миллий тарбиясидан ўринли фойдаланиши яхши самара беради. Миллий тарбиямизда тўрт нарса - ер, сув, тупроқ, ҳаво муқаддас ҳисобланган. Халқимиз жуда қадим замонлардан сувга эътиқод қўйиб, ёзнинг энг жазирама кунларида «Сув сайли» ўқазган. Ота-боболаримиз «Сув - табиат инъоми, ҳаёт манбайи», деб бежиз айтишмаган. Ҳар томчи сувни гавхардек қадрлаб, боғ-роғлар яратишган. Биз эса сувдан хўжасизларча фойдаланишимиз натижасида Орол муаммосининг туғилишига сабабчи бўлдик. Сирдарё ва Амударёнинг белгиланган ерга тўла етиб бормаслиги натижасида бугун Ўрта Осиё учун аҳамиятли бўлган Оролнинг бутунлай йўқолиш хавфи пайдо бўлди.

Ёшларга экологик тарбия беришда миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, нодир қўлёзмалар ва давлат арбобларининг ушбу соҳага оид фаолиятлари мустаҳкам дидактик асос бўлиб, булар орқали уларни атроф-муҳитни тоза сақлашга, озодаликка, покизаликка ва энг асосийси соғлом турмуш тарзи ҳамда муҳитини ташкил эта олишга ўргатилади.

Миллий қадриятлар-миллат шахсининг тили, тарихи, урф-одатларида намоён бўлади. Миллий қадриятлар негизда “Миллат”, “ўзбек” деган сўзлар ўз ифодасини топган. “Миллат” сўзи араб тилида қуйидаги уч маънони англатади. Биринчидан, мазҳаб, иккинчи, уммат, учинчи, халқ, қавм. Миллат сўзи Қуръони Каримда ҳам қўлланилган. Қуръонда ҳам миллат вакили ўз миллий қадриятларини ривожлантириши сабабли, ўз миллатидан, қавмидан кечиб бошқа миллатга ўтиб олиши гуноҳ деб таърифланган. Европа адабиётида қўлланиладиган “нация” сўзи қабила, халқ деган маънони билдиради, бинобарин, бу икки тушунчада ҳам муайян этник бирликнинг ўзига хослигини билдирувчи маъно ётади.

Миллий қадриятлар- миллатга мансуб бўлган умумжаҳон тараққиёти қонуниятларидан бири ҳисобланади. Миллий қадриятлар-ўз миллатидан, ўз юртидан фахрланиш, ўзбек давлати фуқароси эканлигидан ғурурланиш қабиладир. Миллий қадриятлар негизини қуйидагилар ташкил этади. Миллий ғурур, ўзбек миллатининг асосий фазилатлари, халқимизнинг маънавий меросдир.

Республикамиз демократик, ҳуқуқий, фуқаролик жамиятининг ривожланиш йўлига ўтгач, миллий қадриятларнинг ҳаётдаги роли ва ўрнига тўлиқ тушундик. Миллий қадриятларга содиқ бўлган халқни қул қилиш, абадий истибдодда сақлаш мумкин эмас. Шу муносабат билан И. А. Каримов Андижон воқеалари ҳақида берган интервьюсида шундай деган эди: “Мен олдин ҳам айтган ва ҳозир қалбимда ҳис қилаётган туйғуларни халқимнинг олдида, юртдошларимнинг юзига қараб, очик айтишим лозим: мен

халқимнинг озодлиги, юртимнинг мустақиллиги учун, керак бўлса, жонимни бераман, лекин ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”¹.

Шундай экан, миллий кадриятлар асосида ўқувчиларни экологик билим ва тушунчаларни тарбиялашда, келажаги буюк давлат қуришда, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда миллий кадриятлар муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир ўқувчининг ва бутун аҳолининг экологик маданияти камолоти орқали инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий фуқаролик жамияти, келажаги буюк Ўзбекистон барпо этилади.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов шу боисдан ҳам миллий кадриятларга доимий эътибор бериб келмоқдалар. Шу оқилона сиёсат туфайли халқимиз ўзлигини таниб, ўз шажарасини идрок этмоқда. Бу ҳолат миллий кадриятлар бой меросимизни ўзлаштириш асосида ривожланиб бормоқда.

Президентимиз ўзининг ҳар бир маъруза ва нутқларида, суҳбатларида миллий кадриятларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор бермоқдалар. Ёшларда миллий кадриятларнинг ривожланиш негизлари, қудрати ва аҳамияти, маънавий-ахлоқий камолот йўллари, бу соҳадаги вазифа ва тадбирлар белгиланган. И.А.Каримов асарларида педагогика фанининг ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қиладиган миллий кадриятларнинг тамойиллари баён этилган.

Чунончи, “Ўзбекистон буюк келажак сари”, “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура”, “Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”, “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”, “Ватан-саждагоҳ каби муқаддасдир” каби асарларида миллий кадриятлар асосида ёшларни, маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг методологик асослари яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ўқувчи-ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш каби масалаларга катта эътибор

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.-Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 157-бет.

бериши билан бирга “Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур” деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда фақатгина чинакам маърифатли одам инсон кадрини, миллий қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг инсон ҳамжамиятида ўзига муносиб обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин. Шундай экан, таълим-тарбия жараёнида шахсни ҳар томонлама маънавий-ахлоқий шакллантириш, унинг қобилиятларини рўёбга чиқариш ҳамда ижтимоий турмуш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Демак, ўқувчи-ёшлар хулқ-атвориغا миллий қадриятларни сингдириш нафақат ижтимоий-фалсафий муаммодир. Гарчи қадриятлар назарияси фалсафий муаммо сифатида 1960 йиллардан бошлаб собиқ иттифоқ тадқиқ этила бошланган бўлсада, бу қадриятларнинг тарбиявий аҳамиятига фақат мустақилликка эришилгандан кейин эътибор берилга бошланди. Фалсафий талқинга кўра, қадриятлар инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган эркинлик, тинчлик, ижтимоий тенглик, ҳақиқат, маърифат, гўзаллик, ҳаётда ва табиатда бўладиган яхшилигу-эзгулик каби жамики ҳислату-фазилатлар йиғиндисидир.

Илмий-педагогик нуқтаи-назардан эса қадриятлар инсоннинг маънавий эҳтиёжлари асосида пайдо бўлган. Амалий фаолиятида давр синовидан муваффақиятли ўтган, ўз шакли ва мазмунида у ёки бу халқнинг маънавий-ахлоқий оламини ифода этган, асрлар давомида халқнинг маънавий маданиятини шакллантириш манбаи сифатида қадрланиб келинган жамики маънавий руҳий жиҳатлар мажмуи сифатида изоҳланади. Шунга кўра, умуминсоний қадриятлар барча миллатлар манфаатида мос келадиган маънавий хазинадан иборат бўлиб, миллий қадриятлар билан ягона тарбиявий асосга эгадир.

Миллий қадриятларимизнинг ўрни ва мамлакатимизнинг эртанги тараққиёти ҳақида Президент И.А.Каримов: “Сиз билан биз ҳозир мураккаб ва масъулиятли тарихий даврни бошимиздан кечираяпмиз. Шубҳасиз, эркини қўлга киритган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият бунёд этишда ўз андасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Биз ҳам республикамизнинг миллий давлатга хос бўлган ижтимоий-иқтисодий, маънавий камолот ва тараққиёт йўлини белгилаяпмиз. Шу билан бирга, барқарор ва ҳалол бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга асосланган демократик ҳуқуқий давлатни, фуқаролик жамиятини барпо этамиз. Ҳозир яшаб турганларнинг қисматигина эмас, биздан кейин ҳам шу ерда яшайдиган фарзандларимиз ва набираларимизнинг, дунёга келajak авлодларнинг тақдири ҳам биз қандай давлат қуришимизга боғлиқдир. Биз қурадиган жамият Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланиши, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак”¹-деб таъкидлайди.

Лекин, шуни айтиш керакки, бугунги кунда тез-тез тилга олинаётган қадриятлар муаммосига илгарилари жуда ҳам кам эътибор қилинар эди. Қадриятлар тўғрисида гап кетганда ушбу муаммо эсдан чиқарилаётганлигини таъкидлаш учунгина айтиб ўтиларди, холос.

Яқин ўтмишда нашр этилган мақолалар, китоблар, қарорлар ва ҳақозоларда қадриятлар ғояси тилга олинган бўлса ҳам уларга муносабатнинг қамровли, серқирра ва чуқур таҳлилни талаб қилар эди. Чунки, тарбия олдида турган мақсадлар қадриятларга нисбатан иккинчи, ҳатто учинчи даражали бўлиб, мактаб, олий таълим ҳаётида унинг минталетида пайдо бўлган умумий меъёр сифатида қабул қилинган воқеъликни белгилай олмасди. Қадриятлар ўзгарса, умумий меъёрлар ҳам тарбия олдида турган мақсадлар ҳам ўзгарарди. Лекин, шуни айтиш керакки, собиқ коммунистик

¹. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: “Ўзбекистон”1.том.360.Б,1996 йил

мафкура йилларида қадриятлар асоси омма, жамият томонидан қабул қилинса ҳам сиёсатчилар ўз обрўлари ва қиёфаларини сақлаб қолиш учун тан олинмаган, рўёбга чиқмаган мақсадларни тарғиб қилишда давом этардилар. Тарғиб қилинаётган қадриятлар, мақсадлар бундай олиб қаралганда умуман ёмон эмас эди, ҳозирда биз умуминсоний қадриятлар деб атаётган тушунчаларнинг кўпини ўз ичига олар эди, аммо бу сиёсатнинг ёмон томони шунда эдики, айтилаётган нарсалар ҳақиқат билан уйғун эмас эди. Ахлоқнинг исталган бир намунавий шакли тарғиб қилиниб, ҳақиқатда эса бошқа ахлоқий намуналар рағбатлантирилди эди.

Миллий қадриятларимизни қадрлашни Президент И.А.Каримов қуйдагича таъкидлайди: “Маънавиятимизни инқироз исканжасидан олиб чиқдик: аждодларимиз, шу муқаддас заминда яшаган, башарият тарихида улкан из қолдирган алломалар, олимлар -бобокалонларимиздан қолган меросни асраб-авайлаб, эъзозлаб, халқимизнинг миллий мафқурасини шакллантириш, дину иймонимизни, анъаналаримизни қадрлаш, обрўимизни, урф-одатларимизни, миллий қадриятларимизни тиклаш борасида катта ишлар амалга оширилди”¹.Тарбия масалаларида ҳам аниқ мақсадга қаратилган жараённи кўриш амри маҳол эди. Чунки, тарбия назарияси ҳаётдан орқада қолиб, тарбия мақсадлари аниқ ифодаланмас ва натижада яна таълим муассасалари зарур технологияларни билолмай қоларди. Ушбу муаммо Россияга тааллуқли бўлиб қолмай, балки “коммунистик даврдан қолган давлатлар”га тегишли эканлигини таъкидлаш лозим. Лекин, миллий истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ умуминсоний ва миллий қадриятларга кенг йўл очилиб, таълим-тарбия жараёнига янгича талаблар қўйилди. Олий ўқув юртининг жамият олдидаги масъулияти, жамиятнинг таълим муассаса олдидаги масъулияти, унинг талаб ва эҳтиёжлари кундан-кунга ривожланиб борди.

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин.-Т.: “Ўзбекистон”2.том.396.Б,1996 йил

Айниқса, 1999 йил 16-августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ва ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” қабул қилган Қарори, шунингдек, олий таълим бўйича ҳам шундай Қарорнинг қабул қилиниши таълим мазмунини ислох қилишнинг юқори босқичга кўтарилишини таъминлашга қаратилди. Қарорда “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра давлат, ҳуқуқ, мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради ҳамда энг асосийси ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқади” деб таъкидланади. Бу ғоя олий таълим давлат стандартлари ҳақидаги Қарорда ҳам алоҳида ўзига хос таъкидланади. Демак, қарорларда кўрсатилишича, ўқувчи, талаба камолотида фан, мактаб, жамият узвийлигини давлат назорат қилади ва унга ғамхўрлик кўрсатади. Шу ўринда шуни айтиш керакки, ушбу давлат таълим стандартлари асосида ўқувчи ва талабаларнинг тайёргарлик даражасига қўйилган мажбурий минимал талабларда миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шартлиги ижтимоий фанларда, айниқса, фалсафа, миллий ғоя, миллий мафкура, тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари, мусиқа ва санъат маданияти, маънавият асослари кабиларда ифодаланган.

Давлат таълим стандартларида қадриятлар ҳақидаги билимлар бугун таълим муддати мобайнида ва унинг ҳамма шаклларида берилишига алоҳида аҳамият берилган.

Шундай экан, ҳар бир ўқувчи-талабани экологик билим ва тушунчаларини шакллантиришда китобларни ўқишга иштиёқ уйғотиш, кўшиқ айтиш, рақс тушиш, расм чизиш малакаларини таркиб топтириш, рангтасвирлар, мусиқа асари, меъморчилик, театр тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш, тарихга қизиқтириш муҳим аҳамиятга эга. Гўзаллик оламига ошно бўлган инсон ҳеч қачон ундан ажралмайди.

Дарҳақиқат, ўқувчи-талабаларни экологик билим ва тушунчаларни тарбиялашда табиатшунослик дарси давр билан ҳамнафас бўлиши зарур.

Бунинг учун табиатшунослик дастури давр билан бирга такомиллашиб, янгиланиб бориши керак. Табиатшунослик дарси ўз фани асосларини ўргатиш билан бирга ўқувчилар учун ҳаёт дарсига айланаши, уларни ҳаётга тайёрлаши лозим. Шундай экан, ҳар бир ўқитувчи мактабда табиатшунослик ўқитишнинг мақсадини белгилашда, фақатгина табиат ҳақида маълумот бериш, ҳар бир мавзунини таҳлил қилганда, муаммоларни кўпиртириш билан чегераланиб қолмай, балки, биринчи навбатда ўқувчини ҳаёт ҳақидаги сон-саноксиз муаммолар тўғрисида мустақил фикрлашга ўргатиш муҳимдир. Ҳаётни, атроф-муҳитни ўрганишда табиатшунослик ўқувчига энг яқин ёрдамчи бўлишига эришиш лозим. Ўқувчи табиатшунослик дарслигида экологик билим ва тушунчаларни ўрганиш орқали миллий кадриятларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Шундай экан, ўқитувчи ўз ўқувчисига экология, экологик маданият, кадрият, шахс, адолат, виждон, тўғрилиқ каби маънавий-ахлоқий фазилатларни ақлангина эмас, қалбан ҳам ҳис қилишга ўргатиш лозим.

Ҳозирги кунда жамият ичидаги, жамият билан табиат ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб бораётган бир даврда, хўжаликнинг турли соҳаларини ривожлантириб юбориш билан бир қаторда, атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий бойликлардан тежамкорлик билан фойдаланишга оид чуқур билимли, экологик маълумотли ёшларни тарбиялаш вақти келди. Шуларни эътиборга олиб, биз ёшларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланишнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш мақсадида, Термиз шаҳар 2-умумий ўрта таълим мактабида тажриба синов ишларини ташкил этдик.

Тажриба-синовнинг мақсади: Ёшларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланиш усуллариининг ўзига хос хусусиятларининг ижтимоий-педагогик жиҳатлари билан таништириш. Бошланғич синф ўқувчиларини экологик билим ва тушунчани тарбиялашга ёрдам беришдир.

Тажриба-синовдан кутилган натижа: мазкур ишнинг бошланғич синф ўқувчиларини экологик билим ва тушунчани тарбиялашда баъзи ўқитувчиларнинг айрим жиҳатларга тайёр эмаслиги, миллий кадриятлардан фойдаланиш даражаси сустлиги натижасида дарсларнинг самарадорлиги ва муаммоларни, бартараф этиш йўллари билиши ва кўникмалардан хабардор бўлиш имконини беради.

Тажриба-синовни амалга ошириш технологияси: педагогик технологиялар.

Шакл: кузатиш, суҳбат, кичик гуруҳларда ишларни амалга ошириш.

Метод: муаммоли таҳлил, оғзаки баён, кластер, бошқотирма.

Ҳозирги кундаги самарали технологиялар: савол-жавоб, тарқатма материаллар, анкета сўровномалари, мултимедия воситалари.

Назорат: гуруҳлараро оғзаки сўров, қиёсий таҳлил ўтказиш.

Баҳолаш: рағбатлантириш ва ўз-ўзини фаолиятли баҳолаш.

Тажриба-синовнинг бориши: уч босқичда амалга оширилди.

1-босқич (ташкилий-йўналтирувчи). Мактабдаги бошланғич синф ўқувчиларини экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланиш даражасини аниқлаш мақсадида 1-4 синфларда олиб бориладиган табиатшунослик дарслари асосида кузатув ишлари бошланди. Табиатшунослик дарсликлари таҳлил қилинди. Унга кўра:

1-синф “Атрофимиздаги олам”, А.Г.Григорянс, 10-нашр Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент-2013 йилда нашр қилинган. Дарсликда: Мен ва атрофимиздаги олам, Ўсимликлар олами, Гулзор, Уй ҳайвонлари ва паррандалари, Ёввойи ҳайвонлар, Қушлар, Ҳашоратлар, Биз Ўзбекистонда яшаймиз, Сув-Обиҳаёт, Фасллар, Наврўз байрами, Қишлоғимиз табиати, Биз ва табиат, Жонли бурчак, Яшил дорихона каби мавзулар берилган. Дарсликда берилган мавзулар 1-синф ўқувчиларининг ёш ва хусусиятларига мос бўлиб, унда она табиатнинг гўзал ва бетакрор манзаралари акс эттирилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида табиатни авайлаб асраш эъзозлаш каби экологик билим ҳамда тушунчалар мавжуд. Масалан:

Сув-обиҳаёт мавзусида: “Сув-табиат бойлиги. Уни тежаб сарфлаш керак”¹- деб таъкидланади. Бунда ўқувчилар дунё бўйича чучук сувнинг камлиги ундан оқилона фойдаланишимиз лозимлиги ҳақида тушунчаларни билиб оладилар.

2-синф “Атрофимиздаги олам”, Р. Ғуломов, Ш. Мирзахматова, 3-нашр Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент-2012 йилда нашр қилинган. Ушбу дарсликда: Атрофимиздаги оламини ўрганамиз, Ўлкамизда куз, Она заминимиз, Ўлкамизда қиш, Соғ танда соғлом ақл, Ўлкамизда баҳор каби бобларда қизиқарли қуйдаги мавзулар берилган: Об-ҳаво, Ўлкамизда учрайдиган қушлар, Ер сайёра, Уй ва ёввойи ҳайвонлар, Гигиенна озодалик, Инсон ва табиат каби. Инсон ва унинг табиатга таъсири табиий бойликлардан оқилона фойдаланишимиз учун, “Инсон ва табиат” мавзусида: “Бизлар ҳар хил корхоналар қуриб, уларда ўзимизга керакли озиқ овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турли машиналар ишлаб чиқарамиз. Буларнинг ҳаммаси табиатга таъсир этади. Ҳаво, сув ифлосланиши, ўсимлик ва ҳайвонлар камайиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз табиатни, унинг бойликларини асрашимиз керак”²- деб таъкидланган. Бу тушунчалар орқали ўқувчиларда табиатга бўлган муносабат унинг ҳар бир қарич ерини асраш ҳамманинг инсонийлик бурчи эканлиги ҳақида билимларга эга бўладилар.

3-синф “Табиатшунослик”, А. Баҳромов, 3-нашр Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент-2012 нашр қилинган. Дарсликда: Табиатда сув ва ҳаво, Фойдали қазилмалар, Тупроқ, Ўсимликлар дунёси, Ҳайвонот дунёси, Табиат ва инсон саломатлиги, Табиатни муҳофаза қилиш мавзуларида боблар берилган. Сув-ҳаёт манбаи, Фойдали қазилмалардан оқилона фойдаланиш, Тупроқ унумдорлиги ва аҳамияти, Доривор ўсимликлар, Ҳайвонларнинг

¹ **1-синф** “Атрофимиздаги олам”, А.Г.Григорянс, 10-нашр Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент-2013

² **2-синф** “Атрофимиздаги олам”, Р.Ғуломов, Ш.Мирзахматова, 3-нашр Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент-2012

хилма хиллиги, Соғлом бўлай десангиз, Табиа муҳофазаси каби мазулар берилган. Табиатни авайлаб-асраш ўсимликлар оламининг хилма хиллигини яратишда инсоннинг ақл заковати бўлиши учун “Табиатшунослик нимани ўрганеди?” Матнида: “Кишилар ёввойи ҳайвон турларидан бир қанчасини кўлга ўргатди, яъни хонакилаштирди ва кўпайтирди. Бунинг натижасида уй ҳайвонлари вужудга келди. Инсон ақлини ишлатиши ва меҳнат қилиши натижасида табиий ўсимликлардан турли маданий ўсимликлар етиштирилди. Одамлар сув омборларни қурди, каналлар казиб, сувсиз қақраб ётган ерларни дала ва боғларга айлантирди”¹-деб таъкидланади. Бу фикрлар орқали ўқувчилар инсон билимларининг етуклиги табиатни ўзгартиририб боғ-роғлар барпо қингалигни билиб олиш билан бир қаторда уларда табиатга бўлган онгли муносабат ўзгаради.

4-синф “Табиатшунослик”, А. Баҳромов, 2-нашр, Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, Тошкент-2013 нашр қилинган.

Дарсликда: Ер-қуёш системасидаги сайёра, Ер юзи табиатининг хилма хиллиги, Ватанимиз бўйлаб саёҳат номли бобларда; Ер шари, Дарёлар, Сувни муҳофаза қилиш, Ўрмонлар, Чўллар, Тоғлар, Адирлар, Ер ости бойликлари, Инсоннинг табиатга таъсири, Қўриқхоналар каби мавзулар берилган.

Бошланғич синфларнинг ҳар бир босқичида берилган мавзулар асосида ўқувчиларнинг табиат ҳақидаги тасаввурлари бойиб такомиллашиб бораверади. “Ўлкамиз табиатини асранг” мавзусида: “Инсон табиатга бепарво, эътиборсиз бўлса, табиатдаги ўзаро боғлиқлик бузилади. Бу эса, у ёки бу тирик жонзотнинг ҳалокатига олиб келади. Масалан, агар ўрмондаги кесилган дарахтлар ўрнига кўчатлар экиб ўрмон тикланиб борилмаса, инсон учун зарур бўлган ҳаводаги кислород миқдори камайиб кетади. Ўрмонларнинг қисқариши ҳайвонларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлади”²- дейлган фикрлар асосида ўқувчилар тоза ҳаво ўрмонлардаги дарахтлар билан кислород манбаи пайдо бўлишини билиб оладилар.

¹**3-синф** “Табиатшунослик”, А.Баҳромов, “ Чўлпон”, Тошкент-2012

²**4-синф** “Табиатшунослик”, А.Баҳромов, “Шарқ”, Тошкент-2013

Дарсликлар таҳлилидан сўнг ўқувчиларининг экологик билимлари самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўқитувчилар билан яқка тартибда шуғулланилиб, қуйдаги муаммоли саволлар билан мурожаат этилди.

1. Экологик билим ва тушунчаларнинг таълимдаги ўрнини изоҳланг ?
2. Бошланғич синф ўқувчиларида экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш мумкинми?
3. Экологик билим ва тушунчалар бошланғич синф ўқувчилари онгида қандай таъсир кўрсатади?

Ушбу саволларга ҳар бир ўқитувчи ўз таҳлилий муносабатини аниқ, ишончли маълумотлар билан баён қилиши кераклигини тушунтирдик. Таҳлил қуйдаги босқичларда олиб борилиши ўқитувчиларга тавсия этилди:

- келтирилган муаммоли вазиятдан ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларини топиш.
- муаммоларини келтириб чиқарган ижтимоий, психологик, биологик омилларни таҳлил қилиш.
- таълим маммоларининг ечимини таклиф этиш ва тавсиялар бериш.

2-босқич (фаолиятли). Ҳар бир ўқитувчи келтирилган муаммоли вазият бўйича ўз таҳлилларини таклиф этишди. Масалан, 1-синф ўқитувчилари келтирилган муаммоли вазият, таълимда ўта муҳим эканлигини таъкидлаб, мазкур муаммолар жавобларини қуйдагича изоҳлашди.

Биринчидан, бошланғич синф ўқувчиларига экологик тарбия беришда уларнинг яшаб турган жойи (табиати) ва бойликларини тежаб-тергашга, уларни онгли равишда муҳофаза қилиш ҳаётий-амалий эҳтиёжга айланмоқда. Таълимда экология ҳақида билимлар бериш орқали ўқувчиларнинг табиат, атроф-муҳит ҳақидаги билим ва малакалари ривожланиб боради.

Иккинчидан, экологик билим ва тушунчаларни тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш жуда муҳим. Агар ўқитувчи дарсларида педагогик технологиялардан яъни ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш,

кластер, бошқотирмалар, савол-жавоб, мунозара ва ролли ўйинлар каби методлар асосида дарслар ташкил этилса самарадорликка эришилади.

Учинчидан, ўқувчилар онгида экологик билим ва тушунчаларни сингдиришда меҳнат муҳофазаси, табиатни асраш, ноёб жонзотлар рўйхати, табиат ва атмосферадаги инкирозлар олдини олишга оид тушунчалар уларнинг табиатга муҳаббат туйғусини шакллантириш самарадорлигини оширади.

Ўқувчиларда экологик билим ва тушунчаларни тарбиялаш мақсадида ўқитувчилар томонидан қуйдаги тавсиялар берилди:

- ўқувчиларга экологик таълим - тарбия беришда уларнинг яшаб турган жойи (табиати) ва бойликларини тежаб-тергашга, уларни онгли равишда муҳофаза қилишга ўргатиш;
- ўқувчиларга экологик маданиятни шакллантириш. Унда миллий кадриятлардан унумли ва самарали фойдаланиш. Бу, энг аввало, оила ва мактабдан бошланмоғи лозимлиги;
- экологик билим ва тушунчаларни ўқувчилар онгига сингдиришда барча ўқитувчилар томонидан тарғибот-ташвиқот тушунтириш ишлари олиб борилиши;
- экологик билим ва тушунчалар мазмуни ёритилган видео лавҳаларни мунтазам равишда ўқитувчи ва ўқувчиларга тақдим қилиб борилиши;
- мактабларда суҳбат, учрашув ва турли танловлар ўтказилиб турилиши ва ҳаказолар. Шу тартибда барча бошланғич синф ўқитувчилари ўз жавоблари билан қатнашиб, таҳлил қилиб чиқилди.

Бошланғич синф ўқувчиларига экологик таълим бериш жараёнида ўқитувчиларнинг иш ирежа, дарслик, қўлланма ва конспектлари таҳлил қилинди. Шулар асосида бошланғич синф ўқитувчиларида экологияга оид билимлар тизими, уларнинг фаолияти билан бўлган табиат, атроф-муҳит ва махсус тажриба-синов ишлари амалга оширилмаганлиги аниқланди.

Аммо, тажриба-синов давомида ана шу муаммоларнинг ҳолати

ўрганилиб, таҳлил этилди. Бошланғич синф ўқитувчилари ва ўқувчиларининг билим даражаси таҳлили, дастур, дарсликлар таҳлилидан қуйидагича хулоса қилиш мумкин. Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг экологик билим даражалари суствлиги аниқ бўлди. Бунга сабаб:

- мактабда дарс бераётган ўқитувчилар экология ва уни ўқитиш методикасига оид билим, малака ва кўникмаларга етарли даражада эга бўлмасликлари;

- ўқитувчилар экологик таълимга оид методик қўлланмалар билан таъминланмаганликлари. Шу сабабдан ҳам ўқитувчилар ўқувчиларга экологияга оид билим бериш маҳорати суствлиги;

- ўқувчилар учун ҳам махсус қўлланмалар яратилмаган. Айниқса, 1-синф ўқитувчиларида ўқувчиларга экологик билим беришга бўлган тайёргарликлари паст даражада экан;

- мактабда ўқув кабинетлари ва лаборатория хоналарини жиҳозлашда экологик таълим мазмуни эътибордан четда қолганлиги аниқланди;

- мактабда экологик таълим-тарбия муаммоси ҳал этилмаётганлиги ва малакали ўқитувчилар камлигини кўрсатмоқда;

- таълим самарадорлигини ошириш, экологик билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга имкон берадиган экологик билимлар мазмуни ва уни ўқитиш методикаси яратилмаган.

Бошланғич синф ўқувчиларини экологик экологик билимларининг мавжуд ҳолатини ўрганиш жараёнида қуйидагилар аниқланди:

1. Бошланғич синф ўқувчиларининг экологияга оид билим ва тушунчалари етарли эмаслиги.

2. Ўқувчилар, жаҳонда ва Республика ҳудудида мавжуд бўлган экологик муаммолардан хабардор эмаслар (сув танқислиги, ҳаво ва сувни ифлосланиши, Орол бўйи муаммоси, энергия тақчилиги, парник эффекти, озон қатламини емирилиши).

3. Бошланғич синф ўқитувчиларининг экологик билимларини оширишга ёрдам берадиган махсус қўлланма, кўрғазмали жиҳозлар мавжуд эмаслиги.

4. Дастурларда экологияга оид материаллар мазмуни ўз аксини топмаганлиги.

5. 3–4 синф дарсликларида экологияга оид тушунчалар талаб даражасида ўз аксини топмаганлиги.

6. Тажриба синовда бошланғич синф ўқитувчиларининг табиатга муносабати масалалари борасида узилишлар мавжуд (экологик онг, экологик маданият шакллантириш) лигига жиддий эътибор қаратилмаганлиги.

7. Тажрибали ўқитувчиларнинг иш тажрибалари ўрганилиб, оммалаштирилиб, амалиётган татбиқ этилмаганлиги.

8. Ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантиришнинг тарихий, миллий ва умуминсоний қадриятлардан фойдаланиш муаммоси илмий-амалий жиҳатдан етарли даражада ҳал этилмаганлиги.

9. Ўқувчиларнинг экологик таълим-тарбиясини интерфаол усуллар воситасида ташкил этиш муаммосига етарли равишда эътибор берилмаганлиги.

10. Дарс, синф ва мактабдан ташқари вақтларда бошланғич синф ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш имкониятларидан фойдаланиш деярли эътибордан четда қолганлиги.

11. Ўқувчиларнинг миллий, маънавий, умуминсоний қадриятлар ҳамда атроф-муҳит, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига фаол аралашувига оид оммавий-ташкилий ишлар жуда кам амалга оширилиб келиниши («Гуллар байрами», «Қушлар байрами», «Она ерни асрайлик!», «Табиат: кеча, бугун, эртага», «Томчи сувда ҳаёт жилваси», «Сайёрамиз беш дақиқа нафас олсин», «Сувнинг ҳар томчиси–бебаҳо неъмат!»). Ваҳоланки, булар ўқувчиларнинг миллий-маънавий қадриятлар ҳамда атроф-муҳит, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига фаол аралашувининг энг яхши шакллари дандир. Кузатишлар натижасидан маълум бўлдики, бундай таълимий ишларни амалга

оширувчи ўқитувчиларни амалий жиҳатдан тайёрлаш муаммосига эътибор қаратилмаган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бошланғич синф ўқувчиларига экологик таълим беришдаги ишларни муваффақиятли йўлга қўйиш учун бўлажак ўқитувчиларни ўқувчиларга экологик таълим беришга тайёрлаш механизмини модернизациялаш лозим. Бунинг учун мактаб базасида экологик ўқув–тажриба–синов майдончаларини ташкил этиш зарур. Ўқувчиларнинг экологик майдончалардаги фаолиятлари, экологик билимларнинг мустаҳкам ўзлаштирилиши ва уларга риоя этилиши, табиатга нисбатан эҳтиёткорона ахлоқий муносабатнинг шаклланишига имкон бериши керак. Ўқитувчи илмий-методик жиҳатдан ўқувчиларга экологик билим бериш маҳоратига эга бўлса, таълим самарадорлиги ошади. Атроф муҳитга нисбатан онгли муносабат руҳида тайёрланади.

Биз педагоглар, ўқитувчилар зиммасига бой ва саховатли Она диёримиз Ўзбекистон табиатини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, унинг мусавффолигини таъминлаш мақсадида келажагимиз эгалари ёш авлодни ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан соғлом, баркамол ворислар қилиб тарбиялаш каби ғоят масъулиятли вазифа юклатилган.

II. Боб. Бошланғич синфлар таълим жараёнида экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг шакл ва усуллари.

II.1. Бошланғич синфларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш воситалари.

Атроф – муҳитни асраш, унинг мусаффолигини таъминлаш экологик муаммо бўлиб, уни ёшлар онгига сингдириш ҳозирги долзарб масалалардан биридир. Маълумки, буюк мутафаккирларимиз бу соҳада кўзга кўринарли, катта ишлар қилган. Ўрта асрларда яшаб ижод этган шарқ алломаларидан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Заҳриддин Муҳаммад Бобур қабила ҳамда XIX-XX асрларда яшаб ижод этган тадқиқодчи, олим, мутафаккирларимиз табиат фанларининг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Улардан бири ўзидан бой илмий ва адабий мерос қолдирган йирик олим, давлат ва сиёсат арбоби, жадидчилик ҳаракатининг намоёндаси, маърифатпарвар олим Абдурауф Фитратдир. Унинг ёзган асарларида атроф-муҳитга, табиатга муносабат масаласига алоҳида урғу берилгани барчага кундек равшан. Абдурауф Фитрат ўзининг асарларида жисмоний меҳнат, иқтисодий тарбия бериш муҳимлигини таъкидлаган.

Абдурауф Фитрат ўзининг “Мунозара” ва “Ҳинд сайёҳининг қиссаси” каби дастлабки асарларидаёқ, Туркистон ва Бухоро амирлигидаги қишлоқ ва шаҳарларидаги тозалик масаласига алоҳида эътибор қаратади. Унинг “Раҳбарий нажот” ахлоқий дидактик асарида тозалик ва экологик тарбияга оид қарашларни янада кенгроқ беради.

Буюк аллома Фитрат, айниқса, болаларнинг тарбиясида, уларнинг етук ва соғлом бўлишлари учун тозаликнинг аҳамияти муҳим деб билади ва шундай деб ёзади: Назофат ва тозалик болалар тарбиясида катта аҳамиятга эгадир. Нафосат ва покизалик катта ёшдаги инсонларга қанчалик муҳим

бўлса, кичикларга ўн баробар зарур ва кераклидир. У болаларга шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш лозимлигини алоҳида таъкидлайди. Боланинг тарбиясида тоза ҳавонинг аҳамиятига тўхталиб: ҳаво инсон учун овқатдан ҳам муҳимдир. 5-6 соат овқатсиз туриш мумкин, лекин бир дақиқа ҳам ҳавосиз туриш мумкин эмас. Шунинг учун болаларни тоза ҳавога, чорбоғларга олиб чиқиш лозим, - дейди. Абдурауф Фитрат ўз педагогик карашларида болаларни атроф – муҳитни севишга, асрашга чақиради. У ўз дарслик ва қўлланмаларида ҳам табиатга оид кўплаб материалларни киритган.

Халқимизда “Боланинг қуввати–овқат, ақлнинг қуввати–ҳикматли сўздир” –деб уқтириб келинган. Ҳадисларда баён этилган ана шундай ҳикматли сўзлар–донишмандлик дурдоналари саналади. Ҳадис бандлари экологик таълим ва тарбияни сингдиришга катта ёрдам беради. Ҳадис илмини тараққий эттиришга муносиб ҳиссасини қўшган Ўрта Осиёлик машхур алломалар Ал-Бухорий ҳамда Ат-Термизийларнинг ҳадисларидан экология ва табиатга меҳр-муҳаббат мавзусига, табиат муҳофазасига оид бандларидан намуналар келтирамиз:

44-банд. Деҳқончилик билан шуғулланинглари. Деҳқончилик мураккаб касбдир. Унга қўриқчиларни кўпайтиринглари.

176-банд. Эқмоқ ниятида қўлингизда кўчат турган пайтда, беҳосдан қиёмат-қойим бўлиши аниқ бўлганида ҳам улгурсангиз уни экиб қўяверинг.

586-банд. Кишиларга соя берувчи дарахтни кесган киши боши билан дўзахга ташланади.

706-банд. Тежаб сарфлаган камбағал бўлмайди.

732-банд. Қайси бир мусулмон экин экса ёки бирор дарахт ўтказса, сўнг унинг мевасидан қуш ёки ҳайвон еса, унинг экканидан ейилган нарсанинг ҳар биридан унга садақа савоби ёзилади.

837-банд. Ким сув тошқини тўхтатса ёки ёнғинни ўчирса, унга шахидлик ажри берилади.

Болаларга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тарбиясини бериш ишлари миллий кадриятлар асосида амалга оширилган. Азал-азалдан ҳам таълим-тарбия тизимида авлодларимизни табиатни муҳофаза қилиш руҳида тарбиялаш масалалари тарбия йўналишларининг муҳим таркибий қисми бўлиб келган. Аждодларимиз ўз фарзандларига оила даврасида панд-у насиҳат ва турли суҳбатларда қуйидагиларни алоҳида уқтирганлар:

- Сувни ифлос қилма, барча жониворлар уни ичиб баҳра оладилар;
- Ризқ-рўзингни исроф қилма, гуноҳкор бўласан;
- Гуллаб турган мевали дарахтнинг шохини синдирма, у мева беради, уни ўзинг истеъмол қиласан;
- Пишиб етилмаган узумни узма, агар узсанг катта гуноҳ бўлади, чунки унда аҳли-мўминнинг насибаси бор.

Ўзбек оиласидаги тарбиянинг ўзига хос томонларидан бири шундаки, болалар кундалик уй-рўзғор, полиз, боғдорчилик, меъморчилик, дурадгорлик, чорвачилик ишларини ота-оналари билан бажариб ҳам жисмонан, ҳам руҳан камол топиб борадилар. Бу жараёнда ҳар қандй ота-она ўз болаларида меҳнатсеварлик фазилатларини камол топтиришга ҳаракат қилади. Бу эса оила анъанасига айланиб боради. Кекса авлод вакиллари ёшларга гуноҳ билан савоб ҳақида панд-у насиҳатларни, яъни сувни ҳаром қилмаслик, ахлатларни уй ёки ҳовлига тўкмаслик, дарахт ва ўсимликларни беҳуда синдирмаслик ҳақида доимо таъкидлаб келишган. Бу эса оилада болаларга бериладиган экологик ва табиат муҳофазаси тарбиясининг асосий намуналаридан биридир.

Табиат шундай одил мўжизаки, атроф-муҳитни мувозанатга келтиради. Табиатда бирор жонзотнинг қирилиб кетишига йўл қўйилса, шунга боғлиқ бўлган мувозанат бузилиб, хавфли вазият вужудга келади.

Инсон ҳаёти табиат билан чамбарчас боғланган экан, табиатдаги мавжуд мувозанатнинг бузилиб, хавфли вазият юзага келишининг олдини олиши зарур.

Инсон онадан туғилиб, дунёга келар чоғиданок, табиат эҳсонларидан, неъматларидан баҳраманд бўлади. Инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган сув, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ҳам табиатдан олинади. Ҳаттоки, инсоннинг ҳасталиқдан қутулиши, саломатлигини тиклаш учун зарур бўлган дори-дармонларни ишлаб чиқариш учун ҳам она табиатдан етишган мевалар, турли гиёҳлар ва зираворлардан фойдаланилади. Инсон танасида бирорта ортикча аъзо бўлмаганидай, табиатда ҳам ортикча яратилган бирорта нарса йўқ. Уларнинг ҳаммаси ҳаёт учун зарур. Аждодларимизнинг юксак дид ва нафосат билан яратган боғ-роғлари, улкан қурилишлари ҳозирги кунда ҳам Самарқанд-у Бухорони, кўҳна Урганч ҳамда Хивани безаб, ер юзига зеб бериб турибди.

Ҳозирги ёш авлод табиат қўйнида яшайди, меҳнат қилади. Уларга табиат ҳақида, экологик вазият ҳақида ошқора тушунча бериш, табиатни асраш, унга онгли муносабатда бўлишни тарбиялаш бизнинг асосий вазифамиздир. Инсонни унинг атрофини қуршаб турган воситалар: оила, ота-она, мактаб, дўстлар, атроф-муҳит, оммавий ахборот воситалари, санъат, адабиёт ва табиат тарбиялайди. Болани ривожланиш жараёнида уни бошқариб бориш керак. Шахснинг ҳар томонлама камолотга эришуви, бу унинг айрим қирралари ёки ҳислатларининг тўлақонлилигини, жисмоний, ахлоқий, сиёсий, эстетик ва экологик қарашлари йиғиндисини ўз ичига олади.

Экологик тарбия – атроф–муҳитга, оламга, одамга, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига муҳаббат ҳамда эҳтиёткорона муносабатларни шакллантириш заруриятидир.

Табиат – ёш авлодни тарбиялашнинг таъсирчан воситаларидан бири, у эзгулик, инсонийликни ҳис этиб, гўзалликни кўриш ва тушуниш, кузатувчанлик, табиат қонунларини ўрганишга интилиш, меҳнатсеварлик, ўзининг жонажон ўлкасини, Ватанини севиш каби кўпгина характер белгиларини уйғотиш ва ривожлантириш имконини беради.

Инсон – табиатнинг олий маҳсули. Бошқачароқ қилиб айтганда, фарзанди. Табиат марҳаматларисиз яшай олмас эканмиз, демак, у бизнинг онамиз. Ҳа, шунинг учун ҳам она табиатни, унинг неъматларини, кушларини, ҳайвонот дунёсини, ўсимликларини ва бошқа бойликларини севишимиз, эъзозлашимиз ва кўпайтиришимиз керак. Табиат инсонга биргина тоза сув, ҳаво, озиқ-овқат, кийим-кечакнигина эмас, балки соғлиқнинг мустаҳкамлиги ва аъло кайфият ҳам беради. Табиатни муҳофаза этиш давримизнинг ғоят муҳим муаммоларидан биридир. Бошланғич синф ўқувчилари табиатни муҳофаза қилишнинг илмий асосланган маълумотномаси – табиат бойликларидан унумли фойдаланиш, атроф-муҳит тозалигини, бойликларни сақлаш, шовқин муаммосини, табиат неъматларидан тўғри фойдаланиш, табиат қонуниятлари, унинг ўзгариб бориши ҳақидаги билимларни эгаллаши лозим.

Табиат – тарбия таянчи, зеро, болалик инсон ҳаётининг энг муҳим даври. Табиат инъомлари, мўжизаларини бошланғич синф ўқувчиларига ўргатиш ва Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик каби эл эъзозлаган инсоний сифатларни уларда шакллантириш давр талабидир.

Экологик таълим ва тарбиянинг туб маъноси – табиат ва жамият ўртасидаги доимий бирлик ва уларни бир-бирларига боғловчи табиий ҳамда ижтимоий қонунларни ўрганиш, ҳаётга тадбиқ қилишдан иборат.

Экологик таълим ва тарбия – бу инсонни табиатга қадам қўйган вақтдан бошлаб, бутун ҳаёти давомида табиатдан онгли равишда фойдаланишга, психологик, одоб-ахлоқ юзасидан халқимизнинг табиатга

хурмат ва эътибор билан қарайдиган урф-одатларини, удумларини тарбиялаш, табиий бойликларни кўпайтириш, боғ-роғлар, гулзорлар ташкил қилишга ундашдан, унинг қалбида яхши ҳислатларни уйғотишдан иборат.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида, хусусан, экологик таълим ва тарбияга алоҳида эътибор берилди бошланди. Бунинг учун узлуксиз экологик таълим ва тарбияни амалга оширишнинг дастури ишлаб чиқилди. Экологик тарбияга миллий истиқлол мафкурасини яратишнинг таркибий қисми деб қараш мумкин. У ёшларнинг баркамол, ақлли инсон сифатида шаклланишига қаратилган.

Ҳар томонлама мукамал шахсни камол топтириш узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлганидек, ўқувчиларга экологик тарбия бериш жуда муҳим таълимий вазифа саналади. Шу сабабли бу фаолиятни ўқувчи мактабга илк қадам қўйган чоғидан – биринчи синфдан бошлашимиз зарур. 1-4-синф ўқувчиларининг табиат қўйнига уюштирган сайр ва саёхатлар вақтида дов дарахтларнинг турли-туманлигига, уларнинг тана пўстлоқларига, баргларидаги тафовутларга диққатини жалб қилиш лозим.

Масалан: Болалар баҳор фаслида табиатни уйғониши дарахтларнинг қуртак чиқариш гуллаши, барг ёзиши, майсалар, ўт-ўланларнинг сабзи ўриши, табиатнинг яшил либосга бурканиши, ёзга ҳар-хил меваларни пишиб етилиши, кузда эса дарахт баргларида сарғайишини билладилар. Ўқувчилар табиат қўйнига сайр қилиш билан дарахтларнинг соялари, гулларнинг муаттар, майн ва ниҳоят яшил дўстларимизнинг ҳавони тозалаб бериши ҳақидаги тушунчаларга ҳам эга бўладилар. Сайрга чиқишдан олдин ўқувчилар, табиат ҳодисалари, ой куёш ҳақидаги шеърлар ва топишмоқларни такрорлайдилар.

Масалан: У ёққанда дала қир,

Кулади қикир-қикир (ёмғир).

Қўлсиз оёқсиз эшик очар (шамол).

Тилла сандиқ очилди

Ичидан зар сочилди (қуёш).

Шеърлар ҳам айтадилар:

Табиат – еримиздир,

Асрамоқ бурчимиздир.

Сув бор жойда бордир ҳаёт,

Уни тежа, қил эҳтиёт.

Инсон оламга келгандан сўнг табиат эҳсонидан баҳраманд бўлади. Она-болани тарбияласа табиат уни ўстиради. Вояга етказди. Она табиат деб бежиз айтилмайди. Мактаб гулзорига сайр давомида ўқувчи меҳри турли гулларга тушиб гўзалликни ҳис қиладилар. Саёҳат дарсларининг ва таъсирчан бўлиши учун дидактик ўйинлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Масалан: “Гул базми” ўйини. Ўқувчилар гул ҳақида шеър айтиб ўйинни давом эттирадилар. Ҳар бир ўқувчи навбат билан гул ҳақида шеър айтади.

Гул, гул, гул, гулга қараб кул

Она билан лола – гул билан бола

Ўқитувчи турли барглардан ясалган шаклларни тартиб рақами бўйича териб чиқади. Кичик гуруҳларда такдимот ўтказилади. Ўқувчилар табиат, атроф муҳит муҳофазаси ҳақидаги ҳикматли сўзларни билиб оладилар. Берилган катаклар бўйича ҳарфларни жойлаштириб чиқилгач, қуйдаги экологик билим ва тушанчалар:

О	Н	А
---	---	---

Т	А	Б	И	А	Т
---	---	---	---	---	---

қ	У	Ш	Л	А	Р
---	---	---	---	---	---

Б	И	З	Н	И	Н	Г
---	---	---	---	---	---	---

Д	Ў	С	Т	И	М	И	З
---	---	---	---	---	---	---	---

каби гаплар ҳосил бўлади.

Дарс давомида ўқувчилар билан қуйидаги савол жавобларни ўтказишимиз мумкин:

Данакли мевалар номини айтинг ?

Данаксиз мевалар номини айтинг ?

Сўнгра табиатга доир топишмоқлар берилади.

Ерда аста унади,

Илк баҳорда кулади (бойчечак).

Икки япроқ бир танда

Кезар ёзда чаманда (капалак).

Бу ўйинлар ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатишга ва оғзаки нутқни ўстиришда катта аҳамиятга эга бўлиб, ўқувчилар қалбида табиатга меҳр-муҳаббат уйғотишга ёрдам беради. Табиат қўйнида бўлган сайр ўқувчиларнинг мустақил фикрлашга ўргатади.

Ҳозирги замон педагог олимлари экологик таълим ва тарбиянинг мақсади мактаб ўқувчиларида атроф-муҳитга масъуллик муносабатини таркиб топтиришни таъминловчи илмий билим, қараш ва эътиқодларни тизимини шакллантиришдан иборат.

1. Бошланғич синфлардаги таълим ва тарбия жараёнлари кичик ёшдаги мактаб ўқувчиси шахсининг қўйидаги психологик хоссалари:

- табиат билан муносабатда бўлиш эҳтиёжини;
- табиатнинг ҳар томонлама қадр-қимматини англаб олишга йўналтирилган фаолият мотивларини;
- табиатни қўриқлаш, ўзининг ва жамият барча аъзоларининг сиҳат-саломатлигини сақлаш зарурлигига бўлган ишончни;
- табиатни ўрганиш ва муҳофаза қилиш меҳнатида иштирок қилиш ва экологик ғояларни тарғиб қилиш эҳтиёжини.

2. Таълимий вазифалар эса қўйидагиларни шакллантиришни кўзлайди:

- инсон, жамият ва табиат бирлиги ҳақидаги энг содда экологик билимлар тизимини;
- мафкуравий, жамият ва табиат бирлиги ҳақидаги энг содда экологик билимлар тизимини;

- ўз хулқ-атворида табиатга муносабатнинг маънавий ва ҳуқуқий тамойиллари, меъёр ва қоидаларидан фойдаланиш кўникмларини;

- ижтимоий фойдали меҳнат ва тарғботчилик фаолиятида табиатни муҳофаза қилиш ва унга нисбатан эҳтиёткорлик муносабатида бўлиш усуллари ҳақидаги билимлардан фойдалана олиш кўникмаларини.

Бошланғич синф ўқувчиларида масъулликни шакллантиришга таъсир қилувчи экологик эътиқоднинг психологик табиатга уч асосий таркибий қисм фарқланади:

- интеллектуал (ақлий)–бошланғич–экологик билимлар ва дунёқараш характеридаги ақлий малакалар, оддий экологик тафаккур усулларининг эгалланиши;
- шахсий–дастлабки ижтимоий экологик фаолият мотивлари, атроф-муҳитга бўлган муносабат ва уни баҳолаш, табиатни муҳофаза қилиш зарурлигини, экологик хавфни бартараф қилишга ишонганлик;
- ички тайёргарлик–экологик мувозанатни бузмаслик ва табиатни муҳофаза қилиш истаги, экологик (табиатни муҳофаза қилиш) фаолиятида ва хатта-ҳаракатларида ўз нуқтаи назарини амалга ошириш эҳтиёжи.

Мана шу 3 таркибий қисм бошланғич синф ўқувчиларида муайян даражада экологик эътиқоднинг шаклланишини таъминлайди. Экологик таълим ва тарбия қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- ўқувчиларни табиат гўзалликларини севиш, улардан эстетик завқ олиш руҳида тарбиялаш;
- жонли ва жонсиз табиатнинг ривожланиш қонуниятлари, табиат билан жамият ўртасидаги мураккаб ўзаро муносабатлар, шунингдек инсонга хўжалик фаолиятининг табиатга таъсири оқибатида юз бериши мумкин бўлган ҳодисалар ҳақида билим бериш;

- ўқувчиларда экологик маданиятни тарбиялаш, экологик тарбия ва маданиятнинг асоси бўлиб, кишиларда табиат олдидаги масъулиятни англаш малакасини ҳосил қилади.

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич синфларда экологик билим ва тушунчаларни тарбиялашда экологик тарбияга оид кенг ва қизиқарли ишларни амалга ошириш мумкин. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларда экологик тарбияни:

- дарс жараёнида;
- синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнида;
- ўқувчиларнинг ота-оналари билан ишлаш жараёнида узвий боғлаб олиб борилса, кузатилган мақсадга эришилади.

Турли хил кечалар, учрашувлар, мусобақалар, кўрғазмалар ўтказиш ва ташкил қилиш, ўлка табиатига сайрлар уюштириш ва натижалардан, таасуротлардан келиб чиқиб, расмлар кўриги ўтказиш, иншолар ёзиш ва тажриба ишларини олиб бориш айтиш мумкин.

II.2. 4- синф табиатшунослик дарсларида экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланиш усуллари.

«Атрофимиздаги олам», «Табиатшунослик» дарсларини замон талабларига жавоб берадиган ҳолда ўқитишда «Саҳналаштирилган», «Ўйин - мусобақа», «Тест-синов», «Саёҳат» дарсларидан фойдаланиш самарали натижа беради. Замонавий дарс ўтиш усулларининг ўзига хос хусусиятлари: мавзунини муҳокама қилиш; эркин фикрлаш; ҳамкорликда ишлаш; жуфт бўлиб гуруҳларда ишлаш; давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар; ролларни ижро этиш; муаммоларни биргаликда ҳал этиш учун фикрлаш.

Замонавий усуллар ўқувчиларнинг ўз фикрини ҳимоя қилиш кўникмасини шакллантиради, ҳамкорликда ишлашни ўргатиб, уларни ҳаётда учраб турадиган қийинчиликларни биргаликда енгиш тажрибасини сингдиради. Замонавий усуллардан фойдаланиш: синф муҳитини ўзгартиради; мавзу қандай ўқувчиларнинг ўрганилиши кераклигини белгилаб беради; ҳар бир ўқувчини фаоллаштиради.

Бугунги кунда ўқитувчи ўқитиш учун фақат зарурий ахборотларнигина танлаб олиши ва ўқувчини бевосита мустақил билим олишга ўргатмоғи лозим. Бу жараёнда ўқитувчининг педагогик маҳорати, унинг чуқур билими, инсоний одоб-ахлоқи муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда замонавий усуллардан фойдаланиб дарс беришда ўқитувчи моҳирликдан ижодкорликка интилиши ва бу билан таълим соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшмоғи талаб этилади. Замонавий педагогик технологияларни қўллашда ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланиш орқали иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларда ўз кучларига ишонч ҳосил қилишлари учун имкон яратиш, синфдаги ўқувчилар ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамкорлик туйғуларини шакллантиришга эришиш назарда тутилади.

Педагогик технология маълумотларни ўзлаштириш учун қулай шакл ва усуллардир. Демак, педагогик технология инсонга одиндан белгиланган мақсад бўйича таъсир ўтказиш фаолиятдан иборат.

Муаммоли ўқитишнинг асоси - ўқувчилар билиш фаоллигини ривожлантиришдир. Муаммоли ўқитишни ўз ичига олган дарсларда ўқувчиларга янги маълумотларни ўзида сақлаган масалаларни ҳал қилиш таклиф қилинади, токи, улар билимларни ўзлаштириш ва уларни амалда мустақил қўлланиш усулларини эгаллаб олсинлар. Муаммоли дарс қуйидаги босқичларга бўлинади: муаммоли вазият яратиш; муаммоли ифодалаш; муаммо ечимини излаш; ечимнинг тўғрилигини текшириш.

Дарс шундай тарзда тузилиши керакки, унда қўйилган муаммога ўқувчиларда қизиқиш уйғонсин, билим олиш тизимидаги аҳамияти кўрсатилсин, янги билимлар олишга эҳтиёж туғилсин. Дарсларда дастурлаштирилган ўқитиш, яъни амалий ишлардан, қизиқарли топшириқлардан фойдаланиш муаммоси ўта долзарбдир. Ҳозирги пайтда ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятини жадаллаштириш ва уларнинг атроф-олам ва экологик билимлар билан таништириш дарсларида олган билимларини текшириш мақсадида ҳар бир ўқувчининг ўқув жараёнида мустақиллигини таъминловчи ва ўқув материални ўзлаштиришда ёрдам берувчи амалий ишлар тизими қўлланилмоқда. Дастурлаштирилган ўқитиш босқичма-босқич билим олишни кузатишга имкон яратади, ўқув жараёнига қандай ўзгартиришлар киритиш кераклигини ҳам кўрсатади. Дастурлаштирилган ўқитиш учун қуйидагилар керак: ўқув материалнинг пухта таҳлили, унинг қатъий танланиши ва мантиқий кетма-кетлик бўйича бўлиниши; ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятини текширишдаги раҳбарлик.

Дастурлаштирилган ўқитишда ўқувчиларнинг ўқув материални қўллашда фаоллиги ва мустақиллиги ортади, ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш имкони пайдо бўлади, техник воситали ўқитиш кенг

қўлланилади, ўқитувчи ва ўқувчи меҳнатини оқилона ташкил этишга эришилади. Назорат ишларини дастурлаштиришнинг тамойили ўқувчиларнинг оғзаки жавобларини шартли белгилар ва чизиклар билан ёзма равишда алмашишидир. Уларнинг ортиқ жиҳати шундаки, улар қисқа вақт ичида ҳар бир ўқувчининг ўтилган мавзунини ўзлаштириш даражасини аниқлай олади.

Тажриба атроф-олам ва табиат билан танишиш дарсларида билим олиш фаолиятини фаоллаштириш мақсадида дастурлаштирилган ўқитиш усулларида фойдаланишнинг афзалликларини кўрсатади. Афзаллиги шундаки, ўқув материалини ўзлаштириш даражасини ўқувчиларнинг ўзлари шу дарс мобайнида текширишлари мумкин. Бошланғич синфларда дастурлаштирилган ўқитишда тезис туридаги тарқатма топшириқлар, рақамлар, тарқатма тестлар, график топшириқлардан фойдаланиш мумкин.

График топшириқларни бажараётганда ўқувчиларга «-» нотўғри жавоб, «^» - тўғри жавоб эканлигини тушунтириш лозим. Ўқитувчида эса график усулдаги жавобларни тезда аниқлашга мослаштирилган асбоб бўлиши керак. Масалан:

21-март - Наврўз байрами.

1-октябр - Устоз ва мураббийлар куни.

1-сентябр - Мустақиллик байрами.

8-декабр - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни.

Музёраб усули. Бу усулни биринчи дарс ёки янги бўлим бошлаш олдида ўтказиш мақсадга мувофиқ. Ўқитувчи навбатдаги ўтиладиган бўлим юзасидан қисқача маълумот беради. Масалан: «Ўлкамизда куз» бўлимида ўқувчи йил фасллари, пахта терими, ижтимоий фойдали меҳнат, кузги ўсимликлар, ҳашаротлар ҳаёти ҳақида умумий тушунчалар бериб ўтади. Бу ҳақда ўқувчилар ҳам ўз фикрларини баён этадилар.

Менинг исмим Шухрат. Менга куз фасли ёқади. Чунки барча мевалар пишади. «Ҳосил байрами» қиламиз, ота-онамга қовун-тарвуз йиғишда ёрдам бераман. Мен катта бўлганимда жуда чиройли боғ яратаман. Боғимда ширин-шакар мевали дарахтлар бўлади.

Менинг исмим Комила. Мен куз фаслини яхши кўраман. Чунки дарахт барглари чиройли рангда товланади. Далаларда оппоқ пахталар очилади. Пахтадан чиройли ёстикчалар тикиш мумкин. Мен келажакда тикувчи бўлмоқчиман.

Шу тарзда ҳар бир ўқувчи ўзи ҳамда табиатга дахлдорлик ҳақида гапирадилар. Бу усул ўқувчиларни мустақил фикр юритишга, оғзаки нутқни ўстириш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

«Сўз топ» ўйини. Бу методдан дарснинг ҳамма қисмларида фойдаланиш мумкин. Ўқитувчи қушлар, ҳайвонлар, мева, сабзавотлар ҳақида бир сўз айтади, ўқувчилар давом эттирадилар. Ўқитувчи бошлаган сўз қайси ҳарф билан тугаса, ўқувчи шу ҳарфдан бошланган сўзни айтиши керак. Масалан: тулки - илон – ниначи - ит - типратикан - нор туя - ялқов; (панда) - айиқ - қарға - ари ва ҳоказо. Бу усул ўқувчиларни тезкорлик билан фикр юритиб, жавоб беришга ҳамда хотирасини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

«Кластер» усули. Бу усул ўқувчига берилган мавзу бўйича эркин ўйлаш ва фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратади. Ўқувчи нимани ўйлаган бўлса, шунини айтади ва ёзади. Ёзилган фикрлар тўғри ёки нотўғри бўлишидан қатъий назар, муҳокама қилинмайди ва белгиланган вақтгача давом этади. Бу эса синфнинг ҳар бир ўқувчи томонидан илгари сурилаётган ғояларни уйғунлаштириш ҳамда улар ўртасидаги алоқаларни топа олиш имкониятини яратади. «Кластер» усули янги мавзунини бошлашдан аввал ўқувчинини дарсга қизиқтириб, шу мавзу бўйича аввал эгаллаган билимларини аниқлаш мақсадида ҳамда ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш учун ўтказилади.

«Мозаика» - яъни майда бўлаклардан яхлит кўринишни ҳосил қилиш. Бунда қушлар, ҳайвонлар, дарахтлар, мевалар расмлари бўлакларга бўлиниб, ҳар бир гуруҳга алоҳида тарқатилади. Гуруҳ қатнашчилари бўлакчаларни бир бутун кўринишга келтирадилар. Гуруҳ сардорлари чиқиб, яхлит ҳолга келган ҳайвон, мева ёки дарахт ҳақида гапириб беради.

«Тўхтаб ўқиш» усули. Ўқитувчи матн билан таништириш жараёнида бир неча мартаба тўхтаб ўқувчиларга саволлар билан мувожаат қилади. Саволлар айнан матнга тегишли бўлиши зарур. Ёки ўқувчи матн ўқиш жараёнида тўхтатилиб, нима ҳақда ўқиганлиги сўралади. Бу усул орқали ўқувчиларнинг диққати жамланади, мустақил фикрлаш кўникмалари шаклланади.

«Занжир» усули. Бу усул шеър, топишмоқ, мақоллар берилган дарсларда қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Ўқувчилар тартиб билан кетма-кет берилган шеър мисраси ёки топишмоқ қаторини айтадилар. Бу усулни қўллаганда ўқувчи уялиб қолмаслик учун берилган шеър, мақол, топишмоқни ёд олишга мажбур бўладилар.

Ёшларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланиш усуллариининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш мақсадида, биз Термиз шаҳар 2-умумий ўрта таълим мактабида тажриба синов ишларининг охириги учунчи таҳлилий босқичини ўтказдик.

Мактабнинг 4 “А” ва 4- “В” синфларидан ўтилган мавзулар юзасидан назорат иши олинди. Боб бўйича олинган назорат ишининг натижалари самарадорлик даражаси қуйдагича аниқланди.

1) 4- “А” синф гуруҳи, жами ўқувчилар сони 26 нафар

Фан: Табиатшунослик

5-балл-9 нафар

4-балл-11 нафар

3-балл- 3 нафар

2-балл- 1 нафар

Олинган натижаларга кўра самарадорлик 76 % ни ташкил қилди.

2) 4- “В” синф гуруҳи, жами ўқувчилар сони 28 нафар

Фан: Табиатшунослик

5-балл-8 нафар

4-балл-13 нафар

3-балл- 6 нафар

2-балл- 1 нафар

Олинган натижаларга кўра самарадорлик 75 % ни ташкил қилди. Натижалар таҳлил қилиниб, 4-“А” ва 4-“В” синфлари тажриба синов ишларини ўтказиш учун танлаб олинди. 4-“А”-синфи, тажриба гуруҳи, 4-“В”-синф эса назорат гуруҳига ажратилди. Биз, 4-“А”-синф, тажриба гуруҳида Табиатшунослик дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этдик. Қуйида интерфаол методлар асосида ташкил этилган Сув - бебаҳо бойлигимиз мавзусидаги 4-синфлар учун бир соатлик дарс ишланма намунасини келтирамиз.

Мавзу: Табиатда сув

Дарсинг мақсадлари:

Таълимий мақсад: ўқувчиларга мавзу юзасидан кенг қамровли тушунча бериш. Табиатда сувлар океан ва денгизлар, ер ости ва ер усти сувларидан иборат эканлиги ҳақида тасаввурлар ҳосил қилиш.

Тарбиявий мақсад: сувни тоза сақлаш, ифлослантирмаслик ва ундан тежаб-тергаб фойдаланишга, табиатга оқилона муносабатда бўлишга ўргатиш.

Ривожлантирувчи мақсад: ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ўстириш, экологик билим ва тушунчаларни кенгайтириш, борлиққа муҳаббат руҳида тарбиялаш.

Дарс жиҳози: глобус, харита, океан, денгиз, ер ости сувлари тасвирланган расмлар, тест топшириқлари, бошқотирмалар.

Дарс усули: Интерфаол, “Ақлий ҳужум”, бошқотирмалар.

Дарснинг бориши: машғулот қуйидаги шиор билан бошланади: “Биз - баркамол, ўқтам авлодмиз, келажаги буюк давлатмиз”.

Ўтилган - «Сувнинг хусусиятлари» мавзуси юзасидан савол-жавоб қилинади.

1. Сув исиганда кенгайдими ёки сиқиладими?
2. Муз неча даражада эрийди?
3. Сув неча даражада қайнайди?
4. Дунё бўйича ичимлик суви кўп миқдорни ташкил этадими?

“Ақлий ҳужум”

1. Сув қаерларда учрайди? (Океан, денгиз, ер остида).
2. Дарёлар қаердан бошланади? (Тоғлардан).
3. Юртимиздаги дарёлардан қайси бирини биласиз? (Сангзор, Зарафшон, Амударё, Сирдарё, Угом дарёлари)
4. Отаси эгри-бугри, боласи чопқир йўрға (дарё).
5. Мен бор жойда гул бўлар, менсиз гулзор чўл бўлар (сув).

Янги мавзу баёни: ўқитувчи топишмоқ айта туриб ўқувчилар диққатини ўзига тартади. Ўқувчилар янги мавзу нима ҳақда эканлигини топишмоқнинг жавобига асосланиб айтадилар.

Ариқларда оқади,

Совуқда тош қотади.

Гоҳо осмонда сузиб,

Ёғин бўлиб қайтади (сув).

Ўқитувчи :Топишмоқни жавобидан маълум бўлдики, бугун сизлар билан сув ҳақида суҳбатлашар эканмиз ва биз дарс жараёнида «Табиатда

сув», «Сув хавзалари» мавзуларига алоҳида тўхталамиз. Ер юзасида ҳар хил ўлчамдаги чуқурликлар жуда кўп бўлиб, улар сув хавзалари деб аталади. Сув хавзалари - ҳаёт манбаи, бебаҳо бойлигимиз, шунингдек, она заминимизнинг ҳаётидир. Сув хавзаларини сақлаб қолиш, тоза ичимлик сувларини муҳофаза қилиш учун ҳозирда дунё миқёсида жуда катта амалий ишлар қилинмоқда.

“Табиатда сув” мавзусидаги кичик ҳикоя ўқувчилар диққатига ҳавола этилади. Ўқитувчи: Энди сизлар билан кичик тадқиқот ўтказамиз. Аввал ҳар куни эрталаб юз-қўлингизни, тишингизни ювиш учун қанча сув сарф бўлишини ҳисоблаш керак бўлади. Шунини эсдан чиқарманг. Эртаданок тежамкорлик билан иш тутамиз ва натижаларни солиштирамиз. Аввало, сувни тежаб ишлата бошлаймиз. 1-куни ювинишнинг ўзига 15 стакан ишлатган бўлсак, 2-куни ана шу мақсадда сарфлаган сувимиз 11 стаканни ташкил этди. $15 - 11 = 4$

Демак, иккинчи куни биз 4 стакан сувни тежабмиз. Агар синфдаги 32 нафар ўқувчининг ҳар бири 4 стакандан сувни тежаса, бир кунда 128 стакан сув тежалар экан. Бу рақамларни ҳафта, ой ва йилга кўпайтирсак, биз жуда катта миқдордаги сувни исроф бўлишидан асраб қолар эканмиз. Бу ҳозирда камайиб бораётган тоза ичимлик сувининг муҳофаза қилишга кўшган бизнинг каттагина ҳиссамиздир.

Дам олиш дақиқаси. Ўқувчилар Зафар Диёринг «Сув билан суҳбат» шеърини ролларга бўлиб ўқишади.

- Ҳой, сен, жийрон тойчамдек,
Ўйнаб-ўйнаб оққан сув.

Далаларга байрамдек,

Гулдан безак таққан сув.

Сувнинг тилидан баён этилган фикрлар таҳлил қилинади. Агар сув бўлмаса, ҳаёт қай ҳолатга келиши савол-жавоб асосида исботланади.

Янги мавзуни мустаҳкамлаш. Икки гуруҳга бўлинишган ўқувчиларга бошқотирмалар берилади.

1-гуруҳ учун.

1. Тез ёмғир.
2. Кўриниши олмос каби.
3. Ҳаёт манбаи.
4. Океанга туташган.
5. Тоғлардан бошланади.
6. Катта қозон, қопқоғ йўқ.
7. Ҳам салқин, ҳам сокин .
8. Жўшиб шовқин солар.
9. Ҳовлимиздан оқиб ўтади.

с	е	л			
м	у	з			
с	у	в			
д	е	н	г	и	з
и	р	м	о	қ	
о	к	е	а	н	
с	о	ҳ	и	л	
д	а	р	ё		
а	р	и	қ		

2-гуруҳ учун. Кроссворд. Бўйига:

1. Оқар сув ҳавзаси.
2. Энг йирик сув ҳавзаси.
3. Асрий....

Энига: 1. Ер остидан сизиб чиқадиган сув.

2. Чуқурликда йиғилган сув.

3. Океанга туташган.

б	у	л	о	қ		
			к	ў	л	
			е			м
			а			у
	д	е	н	г	и	з

	а		Л
	р		И
	ё		К

Топишмоқлар.

1. Қирдан кишнаб келади саман отим,
Қочмасанг гар олиб қочар, ёмон отим (сел).
2. Бир коса сут, оламга дуд (туман).
3. Узун-узун из кетди, узун бўйли қиз кетди (сув).
4. Шатир-шутур этади, ерни чўқиб кетади (ёмғир).
5. Қозон эмас, қайнайди, қишин-ёзин тинмайди (булоқ).
6. Денгиз, дарёда яшар, тез-тез кўқларга кетар.
Зерикса гар осмондан, заминга қайтиб тушар (сув, буғ, ёмғир).

Гуруҳларга тезкор саволлар берилади.

1. Ўлкамизда оқадиган йирик дарёлар номини айтинг.
2. Ўлкамиз ҳудудида қандай кўллар бор?
3. Нима учун Орол денгизи кўл деб аталмайди? (Орол аслида кўл, катта бўлгани учун денгиз дейилади).
4. Орол денгизи ҳозир қай аҳволда?
5. Уни қутқариш учун қандай ишларни амалга ошириш керак?

Ўқитувчи: Сувни тоза сақлаш, тежаш керак. Бу ҳақда бундан анча илгари ёзилган муқаддас китоб “Авесто”да ҳам айтиб ўтилган. Буюк олим ва ҳаким Ибн Сино бобомиз ҳам сувни тоза сақлаш, ифлосланган ариқ, қудук

сувларидан ичмаслик лозимлигини, бу турли юқумли касалликларга олиб келишини таъкидлаб ўтганлар.

Дарсни мустаҳкамлаш қисмида болаларга кроссворд ечиш топшириғи берилади.

1-гурух учун. Хўл мевалар номини айтинг.

б	е		и	
	р	и	к	
х	у	р		А
	н	ж	и	Р
қ		в	о	қ
к	и		и	

2-гурух учун. Сабзавотлар номини айтинг.

п	и		з				
р		д	и	с	к	а	
	а	р	т	о	ш	к	а
б		д	р	и	н	г	
к	а	р		м			
	о	в	о	қ			

Сув, унинг аҳамияти, саноат ва ишлаб чиқаришдаги роли, уни эҳтиётлаш лозимлиги тушунтирилиб ўтилади. Сувни тежаб-тергаб ишлатишга йўналтириш мақсадида болаларга, “Тома-тома кўл бўлур” мавзусида иншо ёзиш топширилади. Ўқувчиларнинг шу фанга бўлган қизиқишини янада орттириш мақсадида турли қизиқарли маълумотлар ҳам ўқиб берилади.

Ўқувчилар билимини баҳолаш.

Уйга вазифа: Мавзуни ўқиш, саволларга жавоб ёзиш. Сув ҳавзаларини харитасини, расмини чизиш.

Бошланғич таълим босқичида ўқувчиларга табиатшунослик фанидан билим беришда, кўникма ва малакаларни шакллантиришда ана шундай хилма-хил замонавий усуллардан фойдаланиш юқори натижа беради. Айниқса, дарсларда педагогик технологияларни қўллаб, интерфаол усулларда ташкил этиш ўқитувчидан кўп меҳнат талаб қилсада, ўқувчиларни аниқ, тез, лўнда жавоб бериш ҳамда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириб, ижодий фаолиятга йўналтиради. Бу дарс самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳозирда ўқувчиларни экологик билим ва тушунчаларни тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш учун кўпроқ қандай дарсларни ташкил этилишини ўрганиш мақсадида бошланғич синф ўқитувчиларидан сўровнома ўтказдик. Сўровномада қуйдаги савол билан мувожабат этилди:

Дарсларни қизиқарли ташкил этиш учун дарсларни қандай ташкил этиш яхши самара беради ?

- А) Дарсларни кўпроқ табиат қўйнида ташкил этиш.
- Б) Табиатга доир кўрғазма ва расмлар асосида ташкил этиш.
- В) Синфхонада ташкил этиш.

Унга кўра, 14 нафар бошланғич синф ўқитувчилари 100% ни ташкил қилган бўлса, қатнашчининг 6 нафари: 43 % ўқитувчилар дарсларни кўпроқ табиат қўйнида ташкил этишни, 5 нафари: 36 % эса ўқувчиларни турли хил табиатга доир кўрғазмалар асосида дарсларни ташкил этишни, 3 нафари: 21 % эса синфхонада дарсларни ташкил этишларини айтиб ўтдилар.

Ўқитувчиларда барча фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, экологик билим ва тушунчаларни тарбиялашда миллий қадриятлардан

фойдаланишнинг ижтимоий, педагогик ва психологик жиҳатлари хусусида кўшимча илмий-назарий маълумотлар берилди. Уларга саёрамиздаги экологик муаммолар ҳақида видео лавҳалар намойиш этилди.

4-“А”-синф тажриба гуруҳида дарслар ноанъанвий тартибда педагогик технологияларни қўлланилганлиги дарсларда табиат қўйнида ва кўрғазмалардан кенг қўлланилганлиги натижасида бошланғич синф ўқитувчисининг мазкур йўналишдаги педагогик саводхонлик даражасининг ривожланиб бораётганлигини олиб борилган ишлар мазмунида кўзга ташланди ва аниқланди.

4- “В”-синф назорат гуруҳида бошланғич синф ўқитувчиси Табиатшунослик дарсларини доимгидек ташкил қилди.

Натижалар таҳлилини методик жиҳатдан, таҳлил этар эканмиз, ноанъанавий машғулотларнинг ташкил этилиши ва бунда педагогик технологиялардан самарали ҳамда доимий фойдаланиш ўқувчиларни экологик билим даражасини оширишда ижобий таъсир кўрсатади.

Олиб борилган эксперимент таҳлил натижаларига кўра танланган, 4- “А” синф тажриба гуруҳи, 4- “В” синф назорат гуруҳларида боб бўйича олинган назорат ишларининг самарадорлик даражаси қуйдагича аниқланди.

3) 4- “А” синф тажриба гуруҳи, жами ўқувчилар сони 26 нафар

Фан: Табиатшунослик

5-балл-10 нафар

4-балл-12 нафар

3-балл- 3 нафар

2-балл- 1 нафар

Олинган натижаларга кўра самарадорлик 85 % ни ташкил қилди.

4) 4- “В” синф назорат гуруҳи, жами ўқувчилар сони 28 нафар

Фан: Табиатшунослик

5-балл-8 нафар

4-балл-13 нафар

3-балл- 6 нафар

2-балл- 1 нафар

Олинган натижаларга кўра самарадорлик 75 % ни ташкил қилди. Самарадорлик таҳлили натижасига кўра, аввалги натижалар билан кейинги натижаларни қиёсланганда дарсларни қизиқарли ва педагогик технологиялар асосида ташкил этилиши самарадорликнинг ўсишига олиб келди.

Демак, ёшларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланиш ўзига хос педагогик шароит ва махсус ташкил этилган таълим жараёнини талаб этиб бунда:

- экологик билим ва миллий кадриятлар ҳақидаги тушунчалар, табиий муҳит, табиий омиллар ва улар орасидаги боғланишни ўқувчилар яхши ўзлаштириб олиши;
- табиат бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ўргатиши;
- атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлашга ўргатиши;
- табиатни келажак авлодлар учун қандай бўлса, ўшандайлигича қолдиришга интилишни ўргатиши;
- бошланғич синфларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларига қаратилган таълимнинг янгича шакл ва методларини излаб топиш, амалиётга жорий этиш ҳамда бунда замонавий педагогик технологиялардан ўринли фойдаланиш, мақсадга мувофиқдир.

Умумий хулоса ва тавсиялар

Жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан тараққиёти даражаси ундаги халқ хўжалигининг турли жабҳаларига таъсир этади. Бу борада ўзига хос глобал ва минтақавий экологик муаммолар ҳам юзага келаверади. Бунда глобал муаммоларга Орол фожиаси, Чернобил ҳалокати, Хиросима ва Нагасаки шаҳарлардаги бомба портлашлар ҳамда шу кабилар мисол бўла олса, минтақавий муаммоларга завод ва фабрикалардан чиқадиган зарарли чиқиндилар ёки маълум ҳудуддаги тупроқ эрозияси, баъзи касалликларнинг кўпайиши ва шу кабиларни мисол қилиб олиш мумкин. Шу сабабли экологик таълим ва тарбия йўналишлари ҳам турли хил ташкил этилади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда куйдагича хулосаларга келинди:

1. Таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларда экологик билим ва тушунчаларни шакллантиришда миллий кадриятлардан фойдаланишга хизмат қилувчи тадбирларнинг етакчи ўрин тутиши ҳамда ташкил этилаётган тадбирларнинг ғоявий жиҳатдан юксак савияда бўлиши учун барча имкониятларни ишга солиш лозим.
2. Ёшларда экологик билим ва тушунчаларни шакллантиришда миллий

кадриятлардан фойдаланишнинг педагогик-психологик ва фалсафий жиҳатларини яхлит ҳолда ўрганилишига эришиш, мазкур жараёни ташкил этишнинг самарали йўллари, омиллари ва воситаларини етарли даражада ўрганиш мақсадага мувофиқ.

3. Бошланғич синф ўқувчиларида экологик билим ва тушунчаларни шакллантиришда миллий кадриятлардан фойдаланиш ижтимоий зарурат бўлиб, бу муаммонинг ҳал этилиши табиатни авайлаш ва асрашга хизмат қилади.

4. Ўқув фанларининг ўқувчиларда экологик билим ва тушунчаларни шакллантириш имкониятини аниқлаш, педагогик шарт-шароитлар, омилларни ўрганиш, таълим ва тарбиявий ишлар мазмунида бу масаланинг акс этишга эришиш, ўқувчиларнинг маданият, тарих ва миллий кадриятлар моҳиятини ёритувчи маънавий-маърифий ишлар жараёнида иштирок этишларига эришиш лозим.

5. Бошланғич синф ўқувчиларида экологик билим ва тушунчаларни шакллантиришда миллий кадриятлардан фойдаланиш жараёнида оммавий ахборот воситалари хизматидан самарали фойдаланиш ва уларнинг ролини ошириш, ана шу мақсадда оммавий ахборот воситалари билан кенг жамоатчилик ўртасида ижодий ҳамкорликка эришиш, уларнинг фаолиятига жамоатчилик баҳосини бериш тизимини ишлаб чиқиш ва бу тизимнинг тўлақонли ишлашини таъминлашга эришиш.

6. Экологик билим ва тушунчалар, табиатни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик масалалари жаҳон ҳамжамиятининг умумий глобал муаммоси ҳисобланади. Ҳар бир халққа хос бўлган экологик таълим ва тарбия миллий характер, урф-одат ва анъаналар ва миллий ўз-ўзини англаш ва уларнинг намоён бўлиши, ўзгариши ва ривожланиши каби масалалар ҳам экологик тарбия доирасида тадқиқ қилинади.

7. Бошланғич синф ўқувчиларида экологик билим ва тушунчаларни шакллантириш улар онгига миллат тақдири, бугуни ва эртанги кунига ишонч, у томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликлардан

фахрланиш, атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилишда миллий кадриятлардан фойдаланиш, уни асраш ва авайлаш йўлида меҳнат қилиш ғояларини сингдиришдан иборат.

Олиб борилган илмий, назарий ва тажриба ишлар натижаларига асосланиб, Ёшларда экологик билим ва тушунчани тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланиш усуллари самарадорлигини ошириш учун қуйидаги **тавсиялар**ни тақдим этиш мумкин:

- бошланғич синф ўқувчиларини яшаб турган жойидаги табиатимиз бойликларини тежаб-тергашга, уни муҳофаза қилишга ва ўз ўқув муассасаларини ва унинг теварак- атрофларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, мевали ва манзарали дарахтлар экишга ўргатиш;
- ўқувчи-ёшларда хиёбонларни, сув хавзаларини озода сақлаш кўникмаларини шакллантириш;
- ўқувчиларда экологик дунёқарашни, маданиятни саводхонликни юксалтириш;
- ўқувчи-ёшлар онгида атроф-муҳит ва унинг шахс маънавий дунёсига таъсири ҳақидаги тасаввурларни ҳамда табиат ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақидаги тасаввурларни пайдо қилиш;
- ўқувчи-ёшларга экологик тарбия беришда ўқув муассасалари ва оила ўртасидаги умумийлик ва хусусийлик;
- ўқувчи-ёшлар онгида атроф-муҳит муҳофазасида ўқувчиларнинг вазифаси ва табиатни муҳофаза қилишда ота-она ибрат-намунаси ҳақидаги тасаввурларни хосил қилиш;
- ўқувчи-ёшларни оиладаги, ўқув муассасасидаги ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини эъзозлашга ўргатиш, жонивор ва қушларни парвариш қилишдаги билим ва кўникмани юксалтириш;
- ўқувчи-ёшларга экологик тарбия беришда миллий анъана ва урф-одатларни тиклашга эътиборни қаратиш;
- ўқувчи-ёшларга экологик тарбия беришда тўғараклардан фойдаланиш ва уларда «Табиат ва инсон», «Экология ва инсон», «Орол мадад

сўрайди», «Табиатни эъзозлайлик», «Сувни муқаддас деб билайлик» ва шу каби мавзуларда давра суҳбатлари уюштириш.

Ушбу йўналишлар бўйича экологик билим ва тушунчалар олиб бориш орқали ота-боболаримизнинг азал-азалдан табиатга юксак меҳр ва эҳтиром кўрсатишганлигини бошланғич синф ўқувчилар онгига сингдириш мумкин. Бундан ташқари, ўқувчи-ёшларнинг экологик саводхонлигини оширишда халқимизнинг табиатга муносабати: Наврўз байрами, уруғ қадаш, қовун сайли, сув сайли, узум сайли, ҳосил байрами, хирмон тўйи, ҳовли тўйи ва шу кабиларнинг ахамияти катта.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент, 1997 йил.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарққиёт йўли. –Т.: “Ўзбекистон”, 1992 йил.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон, тараққиётининг пойдевори. – Т.: “Шарқ”, Б. 243б, 1997 йил.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: “Ўзбекистон”1.том.360.Б,1996 йил
6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998 йил.
7. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин.-Т.: “Ўзбекистон”2.том.396.Б,1996 йил
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 8 том, 2000 йил.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, Б.176, 2008 йил.
10. Каримов И.А. Ёшларимиз-халқимизнинг ишонч ва таянчи.-Т.: “Маънавият”, 2006 йил.
11. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.-Т.: “Ўзбекистон”, 2005 йил. 157-бет.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
13. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ҳадис.1-4 жилдлар.-Т.: Қомуслар Бош таҳриряти, 1997.
14. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси”, 1993 йил.
15. Абу Райҳон Беруний. Ҳикматлар. –Т.: “Ёш гвардия”, 1973 йил.
16. Арнаутова Е.П. Педагог и семья. –М.: 2001 г.
17. Ватан ва миллат, муқаддасдир. –Т.: “Маънавият”, 2000 йил.

18. Гадоёбоев А. Халқ йўли-хақ йўли. –Т.: “Маънавият”, 2004 йил.
19. Дехқонов М.Р. Мустақил Ўзбекистонда оила маънавиятини такомиллаштиришнинг дунёвий ва диний муаммолари. Т.: “Ўқитувчи”, 2006 .
20. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адиб, ал-муфрад. Т.: “Ўзбекистон”, 1992 йил.
21. Йўлдошев Ж, Йўлдошева Ф, Йўлдошева Г. Интерфаол таълим сифат кафолати. –Т., 2009 йил.
22. Кенжабоев А, Эргашева О, Кенжабоев Ж. Педагогик технологиялар дарс самарадорлигининг муҳим омили. –Т.: “Наврўз”, 2012 йил.
23. Мавлонова Р, Тўраева О, Холикбердиев К. Педагогика. –Т.: “Ўқитувчи”, 2008 йил.
24. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржимаси. А.Мансур. –Т.: “Шарқ”, 1992 йил.
25. Эргашев А. Умумий экология. –Т.: “Ўзбекистон”, 2003 йил
26. 1-синф “Атрофимиздаги олам”, А.Г.Григорянс, 10-нашр Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент-2013 йил.
27. 2-синф “Атрофимиздаги олам”, Р.Ғуломов, Ш.Мирзахматова, 3-нашр Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент-2012 йил.
28. 3-синф “Табиатшунослик”, А.Баҳромов, 3-нашр Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент-2012 йил.
29. 4-синф “Табиатшунослик”, А.Баҳромов, 2-нашр Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, Тошкент-2013 йил.
30. w.w.w. pedagog. uz.
31. w.w.w. ziyonet.